

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ТАДБИРКОРЛИК - ТАҚДИРИМИЗ

Маълумотларга қараганда, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда 20 минг нафар аёл тadbиркорлик билан шуғуллана бошлаганлиги қайд қилинган бўлса, 2002 йилга келиб бу рақам 70 минг нафарга етди. Бу йиллар ичида тadbиркорлар сони эмас, фаолият йўналишлари ҳам кенгайди. Ҳар бир тadbиркор ўзича бир дунё. Уларнинг ўз қувони-ташвишлари бор. Жайхунбўйи аёллари даврасига кирганимизда хаёлдан шу фикрлар кечди.

Баён ЖУМБАЕКОВА - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани "Дўстлик" жамоа хўжалигидаги чорвачиликка асосланган хусусий фермер хўжалиги эгаси.



— Ўрта маълумотим бор, ўз касбим бўйича иш тополмадим. Кўпчилик бозорга чиқиб, рўзгор тебратаяпти-ку, деб мен ҳам бозорга чиқдим. Йўқ, эгпай олмадим. Бозорнинг ҳам ўз қўшиғи бўларкан, уни ҳар ким ҳам айта олавермас экан. Тўртта фарзандим бўлса, бир ёқда дунё ўзгаряпти, қимирлаган жон борки ҳаракатда. Энди қайси ишнинг бошини тутсам экан, деб юрган пайтларимда кам таъминланган оилаларни тadbиркорликка йўллашда ёрдам бераётган "Орол" жамғармаси ҳақида эшитиб қолдим.

1998 йил 100 минг сўм кредит олиб иш фаолиятимни бошладим. Жамғармадан олган кредитни ўз вақтида қайтариб, ишончини қозонганим учун бу йил 1 миллион 200 минг сўм кредит олдим. Сигир, бузоқ боқдим, туёқ кўпайтирдим... Хўжалиқдан 14 гектар ер олиб, чорвамиз учун беда, ўт ўстирамиз. Тили

"кўк" ялаган молнинг сути-

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятидан

ям, гўштиям тоза бўлади. Меҳнатимиз ҳалоллигиданми, топишимиз баракали, самарали бўлаяпти. Овулимиздаги баъзи келин-қизлар: "Пул олсак, вақтида қайтаролмасак..." деб чўчишиб турли ташкилотлардан кредит олишга кўрқушади. Ҳозир кредит берадиган жамғарма, банклар кўп. Турли лойиҳаларда иштирок этиб, ўз кучини сынаб кўриш мумкин.

Совле ЕРМАШОВА - Кегейли тумани Бакир Каримбердиев ширкат хўжалигига қарашли "Деҳқонбобо" фермер хўжалиғи бошлиғи.

— Кўпчиликка маълум, икки-уч йил бизнинг



хўдудларда сув бўлмади. Ҳатто, ичимлик сувини олис-олислардан ташиб келтиришди. Тушларимизга шовуллаб оқаётган анҳорлар кириб чиқарди. Томчи сувнинг тилло баҳосига тенг эканини шунда билдик. "Сув бўлса, ер, қуёш бўлса, меҳнатдан қочиш гуноҳ экан", деган фикрга келдим. Оллоҳга шукр, бу баҳор сув келди. Турмуш ўртоғим билан 10 гектар ер олдик. Беда эканмиз, бошқа экинларимиз ҳам бор. Пул бўладиган экин экиб, ерни уриб-суриб, бўйнидан боғлаб, ҳосил ундириб, дарров бойиб кетиш ниятимиз йўқ. Аввал ерга куч берсак, деймиз. Пушти-қизғиш гуллаган бедзорларимизни кўриб меҳр билан чалғи тортамиз.

Дина ШАМШИДДИНОВА - Бакир Каримбердиев номли ширкат хўжалигига ташкил этилган гилам цехи бошлиғи.



— Бизнинг цехимиз - Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Миллий музейи қошида ташкил этилган. Йил бошида музейдан усталар келиб бизга хўнаяр ўргатишди. Гилам тўқишини, ўтов безанлари тикишни ўргатишди. Гавҳар Жуманазарова, Меҳрихон Ембергенова каби қизлар билан бу хўнарларни жон-дилимиз билан ўргандик. Чунки одамнинг ёшлик даври қайтиб келмайди. Ёшлиқдаги куч, ғайратдан тўғри фойдаланиш керак. Цехимиз йўқ пайтида кечалари уйқум қочиб кетарди. "Кучим-қувватим, зеҳним бўлса, нега энди бекор юришим керак", дер эдим. Ҳозир умуман бошқача кайфиятда юраман, руҳиятим баянда. Гиламлар тўқиймиз, кўп нарсалар ўрганамиз, ўргатамиз. Мухими, урнимиз беҳуда ўтмаяпти...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

УЧРАШУВ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Хотин-қизлар кўмитасининг тadbiri бўлиб ўтди.

"Оила - муқаддас даргоҳ" мавзусига бағишланган ушбу дийдорлашувда "Оила ва жамият" газетасининг ижодкорлари ҳам иштирок эттишди. Tadbir қатнашчиларини қизиқтирган саволларга газетанинг мухбирларидан Басира Сайдалиева, Лола Аҳмедова, Нигора Йўлдошева ва Хулқар Ҳотамбоевалар жавоб бериш-

ди. 2003 йилда эл севган газетанинг 16 санида чоп этилиши ва янги рўжлар билан янада бойитилиши ҳақида ҳам алоҳида гапириб ўтилди. Шунингдек, учрашувда университет хотин-қизлар кўмитасининг раиси Лавляхон Муҳаммадҷонова ҳам ўзларининг амалга оширилган ишлари ҳақида гапирди.

Савол-жавоблар билан ўтказилган ушбу учрашув йилгилаларда катта тассурот қолдирди.

ЛАТОФАТ

«МЕРГАН МОМО»



Денов тумани Хазарбоғ бўлими Чим қишлоғида яшайдиган Норгул Раҳмонқулова тўғрисида сўрасангиз, қишлоқдошлари "Ха, "Мерган момоми?" дейишади.

— Уруш йиллари фронт ортида жангга кетадиганларга милтиқ отишни ўргатиш машқлари бошланганда мен энг яхши натижа кўрсатганман. Шундан сўнг мени мерганликни ўргатувчи мутахассис этиб тайинлашди. Шушу "Мерган" деган ном орттириб олдим. Ўша йилларда "бу эркак", "бу аёл" деган гап йўқ эди. Ҳаммамиз баравар ишлардик. Э, болам, у кунларнинг номи курсин, - дея хўрсиниб уйга толлади момо. Ўзининг бир асрдан ортиқ умри давомида очарчилик, уруш келтирган азобу машаққатлар, қанчадан-қанча йўқотишлар, энди роҳат кўраман деганида фарзанд доғини ҳам бошидан ўтказган Норгул момонинг изтиробларини тушуниш мумкин.

Момонинг 6 фарзанди бор. Норгул момо ҳали ҳам фарзандларига қаттиққўл, талабчан. Тунов кунни катта қизи Ҳанифа момонинг невараси келини уйига аразлаб кетиб қолибди. Бу хабарни Норгул момога етказганларнинг "Ҳали ёш-да, бир-икки шундай мождаролардан сўнг изга тушиб кетади", деган гапини охиригача ҳам эшитмай ўрнидан турди-да, ўғилларининг бирига "Мошинани кўш" деб айтди. Онасининг галига сўзсиз итоат этадиган ўғли индамай ўрнидан турди... Шу кетишда тўғри қуданикига — невараси келинининг уйига боришди. Қўлидаги ҳассаси билан эшикни итариб ҳовлига кирди. Қудаси момони кўриб, югуриб унга пешвоз чиқди. "Кизингни чақир!" - деди момо саломалиқдан сўнг... Кейин келини ҳам бошини қуйи солиб момонинг олдига тушди. Онасининг келинини бошлаб

келаётганини кўрган. Ҳанифа момо шошиб қолди. Норгул момо кўрпагага ўтириганида ҳам 78 ёшли қизи унинг ёнига ўтиришга юраги бетламади. Онаси ҳам унга "Ўтир" демади Ҳанифа момо онасининг феълени жуда яхши билади. "Бойинг қани, ўғлингичи?", деди онаси. Улар момонинг дарганини эшитибок боғ томонга ўтиб кетишган эди. "Уйингда кўнгилсизлик, хафагарчилик бўлди, демак ҳаммамизга сен айбдорсан. Сен каттасан. Ёшларга йўл-йўриқни сен ўргатмасанг, ким ўргатади? Агар яна бирор нохушлик сезсам, эшитсам мендан яхшилик кутма. Менинг оиламдан ҳеч ким аразлаб кетмаслиги керак", деди.

Номозу рўзани қанда қилмайдилар, игнага бизнинг ёрдамимизсиз ип ўтказдилар, хотиралари кучли. Урушда дом-дараксиз кетган тоғаларини тез-тез эслаб турадилар. "Эрта туриш хосиятли", деб ҳаммамизни шу одатга ўргатадилар, - дейди момонинг келинлари.

— Узоқ яшашнинг сири нимада, - сўрайман бешкикдаги эварасини тебратаётган момодан.

— Худо берган умрни яшаялман. Ҳар кунни эрталаб тухум ейман, асал, қаймоқни хуш кўриб тановул қиламан. Аммо гўшт емайман. Бировга ёмонлик қилмасангиз, меҳнат қилишдан бўйин товламасангиз, тўғриси, қалбингиз пок бўлса, бир-бирингизни авайлашга уйрингиз ҳам чиройли ўтаверди. Ҳам-ташвиш ҳам кам бўлади.

Неваралар, чевараю, эвара камолини кўриб умргузаронлик қилаётган Норгул момонинг ушбу самимий сўзларига амал қилса арзийди. Пиру бадавлат Норгул Момодек азизу муътабар кексаларимизнинг ҳар бир сўзи, ўғити, дуоси бойлигимиз, хазинамиздир.

Хулқар ҲОТАМБОЕВА

Эсимда, болалигимда она-бола эчкимиз бўларди. Укаларим билан уни эрмак қилиб боқардик. Кунлардан бир кун эчки боласи кўшнимизнинг ҳовлисига ўтиб, эчкиларини пайҳон қилаётганини кўриб қолдим ва уни тутмоққа чоғландим. Эчки боласини энди туги олган ҳам эдимки, кўшни аёл уни кўлимдан тортиқлаб олиб, нариги кўшнимизнинг ҳовлисига улоқтириб юборди. Мен бориб эчкини қувладим. "Эчки — шайтон"

амал қилардим. Эҳтимол, олий маълумотли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб, севимли она, суюкли ёр бўлишимга энам сабабчи деб ўйлайман.

Хизмат юзасидан туманимиз мактабларидан бирига бордим. Қизларнинг юриш-туриши, ҳатто ўзларини тутиши диққатимни тортиди. Қош, кўз, юз, лаб, ҳатто киприкларига ошқора бўяган қизларни кийинишидан ўқитувчимкин, деб

Ота-онамдан олган сабоқларим

га ўғирлик қилса, наҳотки бундан она беҳабар. Эшитганим, бундан бир неча ой олдин шу бола уйдан шакар олиб чиқиб яна битта мендек кўшнига ярим баҳосига сотганини, Ишонмаганим, энди кўзларим билан кўриб турибман. Мен бу ерда айбни тўлалигича онадан изламоқчиман. Негаки, бир кун турмуш ўртоғим шу боланинг дарвоза-

ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАГАНИДЕК...

деганлари рост эканми, мени роса овора қилди. Шундай қилиб эчки боласини беш-олти ҳовли наридан зўрга ушлаб келдим. Баъзи инжиқ кўшниларида роса дақи ки эшитдим. Лекин эчкининг боласини нариги ҳовлига улоқтирган кўшни аёлга нисбатан юрагимда кучли нафрат ўйгонди, ахир у ҳаммадан жеркиш эшитишимга, ҳовлима-ҳовли эчки қувлашимга сабабчи бўлган эди-да. Ундан қандай ўч олсам экан дея хаёлимдан ўтказиб кўярдим баъзан. Ўша аёл уйимизга рўзгор учун керак бўлган ул-бул сўраб чиқса ҳам: "Энажон, берманг, у ёмон хотин", дердим зорланиб, "Сен ёш боласан, ҳозирдан нафратланишга ўрганма, бўлмаса сени қизим дейман" деб оҳиста бошимни силаб кўярди энам. Юрагимдаги алам кундан-кунга аланга олиб, бир кун кўшнининг ўтинхонасига ўт қўймоқчи бўлдим. Шундай қилдим ҳам. Бир неча газетани гижимлаб, энди гургут чаққан ҳам эдимки, қаердандир энам келиб қолдилар ва хали тутаб улгурмаган оловни ўчиришга мажбур қилдилар. Уйга олиб кириб: «Сени шу умидда катта қўлапманми, - дедилар энам. - Эчки сабаб шундай қилаётган бўлсанг, айб ўзингда-ку, бировнинг ҳовлисини пайҳон қилишга йўл қўймаслигинг керак эди. Мен ҳали қизим ақли, у билан фарибланиман деб ҳаммага айтиб юрибман-а. Кўшнидан бориб кечирим сўраб келсан, йўкса сени қизим дейман», деб бурилиб кетдилар. Бўлиб ўтган воқеадан ўзим ҳам қўрққан, қолаверса унинг оқибатларини энам оҳистагина тушунтириб берган эдилар. Ана шу оҳистагина тушунтириш, лоақал бир шапалоқ емаганим менда кўшнига бўлган нафратимни йўқотган эди. Ўшанда кўшнимизга катта ва ҳеч нарсадан беҳабар кўшнидан йиғлаб кечирим сўраб келдим.

Яна бир воқеа. Тоғаларимни уйлантириб иккита келинни бирдан туширишди. Бири биридан чиройли янгаларимни томоша қилиб завқланганларим, уларга ҳавас қилиб, энамдан беркитиб, мажнунтолнинг чўлини куйдириб, қошимни қаро қилганларим, тут пишмига лабларимни шотутнинг қизилига бўяганларим. Буни сезган энам: "Қизим катта бўлиб қолибсан, лек.н зинҳор бўянмагин, навнихок қаддинг, бўялмаган қошу кўзларинг табиий кўркамлик бўлиб, ўсмир қиз эканлигингни исботлаб турибди. Балки ўзингга билинмаётгандир, лекин бу бўянишларинг ёшингни катта кўрсатиб, аллақандай бачкана кўриниб, турмушга чиққан аёлдек кўриниб қолягансан. Ҳаммаси келинликда ярашади қизим. Келин бўлганида гада бўянсанг, очилган гүлдек бўлиб кетасан. Ҳозир гўнчадексан, фақат ўқишни ўйла, ўқи, олий маълумотли бўл, бекаму кўст яшайсан". Энам ҳар гал бирон маслага берсалар уришмас, ҳатто овозини баландатмас, оҳистагина тушунтириб, ўзи тенги киши билан суҳбатлашадигандек эди гўё. Мен ҳам ўзим сезиб, сезмай энамнинг насиҳатларига итоаткорона

ўйлаб қоласиз. Олдиларидан ўтаётган ўқитувчи, ёши катта кишиларга нисбатан менсимай қарашлари эсангизни қотираркан. Эртаиндин бир рўзгорнинг бошини тутиши, она бўлиши мумкин бўлган бу қизлар қачон шу даражага етди экан-а? Энг сўнгги модадаги кийим-бошини кийдириб мактабга жўнаётган ота-оналардан қидирармиз бунинг сабабларини.

Бугунги оналаримиз ажодларимиздан қолган урф-одатлар билан бирга, фарзанд учун рўзгорнинг ўтидан кириб, сувидан чиқадиган

миз тағига ахлат тўкаётганини кўриб қолиб тергов қилгандилар. «Онам номозшомдан фойдаланиб, бирон кишининг ҳовлиси олдига тўкиб кела қол», дегандилар дебди. "Кимдир кечаси деворимнинг тағига ахлат тўкиб кетаяпти", деб нолиб юрган кўшнилари кўз олдимга келиб юрагим увишди. Битта нотўғри қадам, биргина ноҳўя сўз болани йўлдан чиқариши, мурғак қалби бутунлай майиб бўлиб қолиши мумкин экан. Хурматли опа-сингиллар, бола тарбиясига масъулият билан ёндошайлик! Ёшларимиз тарбияси-



Жиззахлик Ҳамро момо неваралари қуршовида.

она, садоқатли ёр, ҳалол ва масъулиятни чуқур хис қиладиган хизматчи, меҳрибон қайнона, бир сўз билан айтганда юзидан нури иймон ёғилиб турувчи ҳақиқий аёл деган номни оқлайдиган, мукаммал инсон бўлишлари керак, деб ўйлайман. Албатта "гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, ҳаётда ҳам ҳар хил инсонлар учраб тураркан. Турмушнинг оғир синовларига бардош бера олмаганданим, ёки бошқа сабабга асосланибми, аёлларимиз, қизларимизнинг нотўғри йўللарга кириб кетиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди. Ёшлиқдан меҳнат қилишга, биронта касб-хунар ўрганишга, ўқишга, билми ва тафаккурини оширишга астойдил ҳаракат қилиб, муроду мақсадга эришса бўлади-ку. Шундай пайда ўйлаб қоламан. Нотўғри тарбия олган аёл, она номига доғ тушираётган, мамлакатимиз келажagini белгилайдиган ёшларимизга тарбия бераётган оналаримизнинг онгига, дунёқарашига таъсир қилиб ишлашимиз керакка ўхшайди.

Мен энамнинг тўғри тарбиясидан андоза олиб болаларимни катта қилмоқдаман. "Қуш уясида кўрганини қилади" деганлари рост эканлигига амин бўлдим. Маврида келди, яқиндагина бўлиб ўтган воқеани ёзмасам бўлмас. Эшигимиз оҳистагина тақиллади. Бориб очсам, менга таниш кишининг юқори синфда ўқийдиган ўғли. "Райҳон опа, бир илтимос билан келувдим, уйимизда қурилиш учун зарур бўлган бир уюм ёғочлар бор, шулардан 4 дона тўсин сотмоқчиман, арзонгина берманг", деб қолди. «Онам Термизга кетган, сиздан илтимос, у кишига айтмасангиз, синфдо қизимга совға олмоқчи эдим», деди у юзимдаги савол аломатини сезиб. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Наҳотки ўғил ўз уй-

га салбий таъсир кўрсатаётган нарсаси — шишадаги "оғу" ҳамда гўёҳванд моддаларга ружу қўйиш деб ўйлайман. Оғир жиноий ишларнинг аксариятига ичкилик ва наркотик моддалар сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳар бир оиланинг бошлиғи оталаримиз фарзандларини ичкилик, гўёҳвандлик балосидан асрасалар яхши бўларди, деб ўйлайман. Бунинг учун энг аввало, ота намунали хулқ эгаси бўлиши керак. Негаки, фарзандлар назарида ота хато қилмайдиган, ҳамма қилаётган ва қилган ишлари тўғри инсон сифатида муҳрланиб қолади. Оталаридаги оталикка номуносиб кусурлар ҳам улар учун табиий ҳолдек бўлиб туюлади. Ва ундан андоза олаверадилар, олаверадилар. Фозил отадан фозил фарзандлар, чекувчи, ичувчи отадан тарбияси болалар қолаверадилар. Шунинг учун оталар тозариб покланиб, руҳияти, қалби тоза фарзандларни ўстириб жамиятимизга тақдим этсалар қани эди.

Оқ келинлик либосини кийиб келин бўлиш арасида энамнинг айтган ўғитлари кечагидек ёдимда. Эру хотинлик илмидан тортиб, рўзгор тутишгича, қайнона-қайноtagа муносабат, қайин-буйинлару, овсинга муносабат, барча-барчасини энамдан ўрганганман. Ҳатто укаларимга айтган аллаларини ўзим билмаган ҳолда болаларимга айтганман

Баъзида ҳайратланиб қоламан, вилоятимиз худудидан чиқмаган, олий маълумот олманган энам шунча нарсани қайқдан биларкин. Ҳа, болага тарбия бериш учун олий маълумот олиш ёки "шаҳар кўриш" керак эмас экан. Энг муҳими, болага меҳр билан бирга тарбия бера билиши, ҳар бир ота-она ўз боласига бир мактаб, тарбия қотиби бўлмоғи лозим.

Райҳона АБДУРАСУЛ қизи, Сархосиё туман ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи



АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

(Ҳадислар талқини) Муқаддима

Ҳар бир инсон бир тажриба хонаси. Умринг ўтар экан, бу дунёнинг хуш-нохуш ранглари, турфа таъмларини қабул қила-қила жисму жонинг минг силқиниб, минг буқилиб ва яна қайта-қайта расоланиб бораверар экан. "Аллоҳнинг ҳамма иши яхшиликка" эканлиги нақадар ҳақ! Ки кўргулигинг кўпайиб, ёшинга ёш қўшилган сари фёлинг тиниб, ақлинг пишиб, зуқко табибдай, теғрангича ҳодисотларни тиниқ уқадиган ва не ташғис қўйсанг, тўғри чиқадиган бўлиб қоларкан. Икки оғиз сўзинг билан кимдир йўлга тушиб турса, яқинларинг ва бола-чақаларингнинг муаммолари сен билан ечиلىб турса, қандай мароқли! Аммо, "мана энди тажрибам бор, бу ёғига мазза қилиб яшайман-да" деганингда қарасангки, бу дунёнинг чиқар эшиги кўриниб қолади. Қулоқ солсанг, юрагингнинг соати ҳам сусти ураётгандай! "Ие, бу ёғи кун ботарку,- дейсан! "Мунча тез? Қўлимдан эндигина иш келганда-я!" - деб ичинг зил кетади! Аммо инсончиликнинг фарзи — кўнмоқ! Қисматдан қочиб бўлмас.

Разм солинса, аксарият ёши улуғлар насихатгўйликка мойил бўлиб қоладилар. Буни ҳаргиз уларнинг қусури деб бўлмас. Ўтиб бораётган одам савоб ва гуноҳлар ичيدا хомталаш бўлиб турган жондир! Бу ҳолат унинг хатолари тобора кўзига кўриниб, савоб ишларни кўпайтирай деса, умрини, кучини етказса олмаётган надоматли давридир. Киши билими ошиб-тошиб кетгани учун бировга ақл ўргатмайди. Билимдилар қаторига қўшилгунча хатолар, адашлар заҳматини ўзи обдон тоғтани учун ҳам, изидан келаётганлари оғохлантиришга ошмакди, осонроқ йўлни кўрсатгани келадди. Буни улар ўзларини поклаш учун, яъни Яратганининг розилиғи учун қиладилар. Бировнинг билмаганини куюниб билдираётган одам, яъни янги хатоларнинг олдини олаётган одам ўз гуноҳларидан мосуво бўлаётган кишидир. Бу тавба қилишнинг энг чиройли йўлидир!

Катталар бизга: "Ундок қилманглар, ёмон бўлади, бундок қилманглар, ёмон бўлади", дея ўқдиришарди. Аслида бу гапларнинг маъзиди Қуръон карим ва ҳадиси шариф мурожаатлари жамлигини мана энди ўқдик.

Дилимиз, қўлимиз, тилимиздан келаётган ҳар бир амалнинг жавоби қайтиши рост. Бошимизга тушган ҳар бир кунга фақат менимиз сабаблиғи рост. Шундоқ экан, ҳар қадамда ўзимизни ўзимизга пойлоқчи қўйишимиз шарт! Айниқса, бизнинг тоифага бу хушёрлик гоят зарур! **Оила об-ҳавосини аёл яратади.** Аёлнинг атрофга келтирадиган фойдаси беҳад. Аммо зиёни ундан ҳам кўп! Бу хавотир қамайиши учун қиз боланинг танглайини фақат илм билан кўтариш керак, илм билан боқиб, илм билан кийинтириш керак деган хулосага келасан киши! Ҳадис илми яшаш, қомил инсон бўлиш йўлларини кўрсатувчи нурдир. Агар уни ихлос билан мутолаа қилсангиз, дардингизга дармон топасиз, хатоларингизни пайқаб қоласиз, кўнглингизда ҳайрли иштиёқлар турғилади.

Мустанқиллигимизнинг равнақи учун, кўзлаган режаларимизни сидқидилдан амалга ошириш учун, фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш, яъни шахсинг ўзига бўлган талабини ошириш, унинг ички имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашиш гоят муҳимдир. Инсон қалбдан покланмагунча жамиятга фойдаси бўлмас. Ҳадислар эса инсон руҳиятини тозартирувчи халқчил, сингишимли омилардан биридир.

Биз қирқта ҳадисни танлаб олдик ва уларга суянган, сиз севган "Оила ва жамият" газетаси орқали аёл дунёсининг синаотлари, руҳият манзаралари, афзалликлари ва нуқсонлари ҳақида мулоҳаза юритишни ният қилдик. Илоҳим бизни сизнинг ризолитингизга етиштирсин!

(Давоми бор.)

Турсуноӣ СОДИҚОВА

Анджоннинг гавжум кўчаларидан бирида қутилмаган учрашув рўй берди. Билагига тимсоҳ терисидан тикилган ярқирок сумчанинг боғичини ташлаб олган жингаласоч, қаламқоч, бўйдоргина жувон гўё қоматини кўз-кўз қилаётгандай битта-битта одимлаб бораётганди. Унинг юзи

- Тижоратчининг иши шу экан-да, ўртоқжон. Уни қара-я! Йигирма бир йил кўришмабмиз. Сени бир оёғинг Тошкентда, бир оёғинг Ҳиндистонда деб эшитгандим.

- Тўғрисиям ана шунақа, - синфдошнинг гапини тасдиқлади Муқаддас. - Фирма очганмиш.

- Ана шунақа ишга бизниям тортсанг-чи. Бу сумкалар эзиб ташлади, Муқаш.

- Келишдик, - деди Муқаддас кўзойнагини жойига қўндириб. Сўнг сумкасидан ташриф қоғозини олиб Маликага узатди.

- Мени мана шу манзилдан топасан. Иккиси хайрлашишди. Ана шундан кейин Малика синфдоши билан учрашувни орзиқиб кута бошлади. Ҳарқалай уни уйга тақлиф қилиб, кўнглини олмоқчи бўлди.

Икки кун ичида уйдаги эски мебелларни чиқариб ташлаб, янгисини сотиб олди. Ҳовлининг дарвозасини ҳам шоша-пиша янгилашди. Нихоят ўша кун келиб, Муқаддас янги қурилган дарвоза олдида тилларанг "Мерседес"дан тушди. Муқаддаснинг қомати ва пардоз-андози кўни-кўшнилари ҳам хангу-манг қилиб қўйди.

Хуллас чиройли зиёфатдан сўнг икки синфдош дугона фирманинг бир учини Ҳиндистон ва яна бир учини Андижон билан боғлайдиган бўлишди. Бу ишга Маликанинг куёвга узатган қизи Ирода ҳам

Турмуш сабоқлари

жаллашиб қолди.

- Узингизга кўшиб

мениям

нўноқ қилмоқчимисиз, - деди у койиниб.

- Топармон-тутармонлик қўлингиздан кел-

масла, ўша боғда ўралашиб умрингиз ўта-

таси. Ўғлимиз катта бўляпти. Орзу-хавас

кўрайлик биз ҳам.

- Боғ дарров самара бермайди, - тушун-

тирди эри. - Кўчатлар катта бўлиб ҳрсилга

кириши керак. Ўша ўртоғинг менга ҳеч

маъқул бўлмади.

- Сизга ким ёқади ўзи? Иш билганлар

қозоничиям тилладан қилиб юборяпти. Бир

умр ишлаб, сизни битта велосипед олишга

қарор қилганга эмасми?

- Шунисиға шукр қил. Одамнинг кўзи ҳеч

тўймайди. Дастурхонинг қуриб қолган

жойи йўқ-ку, ахир.

Шундай бўлдики, Ироданинг куёви ҳам

унинг максadini қўлмади. Ирода хафа

бўлиб, аясининг уйига келиб ўтириб олди.

Ана шу жанжаллардан кейин Малика тиж-

орат баҳонасида Тошкентга йўл олди. Му-

қаддасни топиб, бор гапни айтган эди, у

шундай маслаҳат берди.

- Иккаланг ҳам эрингдан ажралиш. Эр-

нинг уруғи қуриб кетгани йўқ, Уйингни

сотиб шаҳардан уй ол. Сизларга бойвачча

эрни ўзим топиб бераман.

Она билан қизни бир қунда эрдан ажра-

лишганини эшитганмисиз? Фуқаролик су-

дида Малика эрига шундай айб қўйди:

- Уларча нўноқ. Ижарага олган боғидан

тўрт йилдан буюн бир тийин наф қургани

йўқ. Мени тижорат қилиб топган пулимга

яшаб юрибди. Бу одам билан умуман бир-

им икки бўлмади.

Ироданинг эрига қўйган айбига эътибор

беринг:

- Ичмайди, чекмайди. Топишида барака

йўқ. Тушунчаси паст. Бу одам билан яша-

маймаман.

Суд раиси унга савол берди.

- Сизга ичадиган, чекадиган эркак ке-

ракми?

- Ичсаям, чексаям мард бўлсин.

Ана шундай қилиб бирданга икки оила

бузилди. Ирода бир ярим яшар ўғилчаси

билан кўч-қўронини олиб келди. Мали-

канинг ўн етти ёшга тўлган ўғли отаси

билан қолди. Малика билан қизи шаҳар-

дан уй олиб қўчиб кетишди. Хуллас, икки

оил ичида Малика билан унинг қизи Иро-

данинг ҳаёти ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Лекин шаҳарда утча дўкон очилиши ва пар-

доз-андозини жойига қўйиб, худди Муқад-

дас каби ўтган-кетганни маҳлиё қилиб

қўйиб ораси ҳеч уларни тарқ этмади.


Она-бола ана шундай орзулар оғушида

яшаётган кезлари бирдан Муқаддаснинг

шофёри пайдо бўлиб қолди. Иккиси худ-

ди Хизрини кўришгандай хурсанд бўлиб

БОЙВАЧЧА



ЭРИНГ ҚАНИ?

даги нимтабассум, офтобда ярақлаб кўзни олаётган тилла тақинчоқлари, иккала юзидаги қулдирғичи ўтган-кетганни сеҳрлаб, ўзига тортаётганди. Бир қарашда ҳеч қандай гам-ташвишсиздай кўринган бу нозанин жувоннинг исми-шарифи Муқаддас эди.

Худди шу кўчанинг бошқа томонидан иккала кўлида биттадан оғир сумка билан эгилиб-букилиб, куйиб-пишиб келаётган яна бир жувон ҳеч қутилмаганда Муқаддасга дуч келиб қолди. У аввалига Муқаддасга қизиқсиниб назар солди. Кейин синчиклаб бокди. Сўнгра иккала кўлидаги сумкани бараварига асфалтга ташлаб, қаддини ростлади.

- Хай, Муқаш, ўзингмисан?

Муқаддас кўзидаги қора кўзойнакни қўлига олиб, киборона жилмайди.

- Узимга ўхшайманми?

- Мени лол қилиб қўйдинг-ку, Муқаш. Сени фариштамикан, малойикамикан, дебман, - деди Малика рўмолчаси билан артиниб.

- Сен ҳам лол қилиб қўйдинг, - деди Муқаддас қулдирғичларини ўйнатиб. - Сени лўлиларданмикан, дебман.

қўшиладиган бўлди. Андижоннинг уч жойида дўкон очилга келишишди.

- Омадинг чопиб турган экан, - деди Муқаддас дугонаси билан хайрлашаётти.

- Ўзи Андижонга ана шу максатда келгандим. Агар ҳамма иш менинг айтганимдай бўлса, ростдан ҳам Малика бўласан. Яъни каралева!

Малика шунақаям руҳланиб кетди-ки, кечалари уйқуси қочиб, худди Муқаддас каби пардоз-андозни жойига қўйиб, "Мерседес"да юришни орзулаёт бошлади. Ирода ҳам ўша кундан бошлаб, ажойиб ширин орзуларга фарқ бўлди.

Келишилгандек уч кун ўтган, Муқаддаснинг шофёри Маликанинг уйига бир ярим миллион сўм пул ташлаб кетди. Бу албатта келишувга содиқликка ишора эди. Маликанинг кайфияти кўтарилиб, тижоратчилик қилиб топган ва эридан яшириб сақлаётган сармомасини сандиқдан олиб шамоллатган бўлди. Ҳарқалай иккала пулни қўшиб, шаҳардан дўкон сотиб олса бўларди.

Лекин Маликанинг эри унинг бошлагани ишга унчалик рўйхушлик бермади. Ўша кунги Малика эри билан шу масалада жан-

Биз ҳикоя қиладиган аёл бирор касб-кор билан жамиятда танилган, ёки машҳур бўлган эмас. Тақдир аммаимизни Гафур Фуломнинг катта жиянлари бўлмиш Воҳид поччамизга насиб этган экан. Қайноналари, яъни Гафур Фуломнинг катта опалари Сарвинисо ая оқила, фозила ва меҳнаткаш аёл бўлганлар. Қайноталари Ўйүлдошбойвачча ўта меҳнаткаш, меҳр-мурувватли инсон эдилар. Эру-хотин ва фарзандлар ҳаммаша уй-рўзгор ишлари, деҳқончилик ва мол-ҳол билан мшгул бўлганлар.

Аммаимиз нозиккина ва ёш бўлишларига қарамай катта рўзгорни эплаб кетганлар. Боз устига қайнота, қайнона ва қайнисингиллар билан аҳил ва апок-чапоқ яшаганлар. Бирор марта уларнинг сўзини қайтармаганлар, юзларига тик боқмаганлар. Катта сўлим боққа Гафур ака, қавм-қариндошлар, меҳмонлар кўп келарди. Ёз, таътил кунлари қариндош-уруғларнинг болалари боғни тўлдириб юборар эдилар. Уларни кутиш-кузатиш, озиқ-овқат тайёрлаш асосан аммаимиз замирасида эди. Аммаимиз меҳнатдан, чоп-чопдан ҳеч толиқмас ва оғирликдан ҳеч қачон нолимас

эдилар. Ҳеч қачон уй-рўзгор қийинчиликларидан, эрларидан, қайнота, қайнона ва қайнисингилларидан нолиб уйга гап ташиган эмаслар.

Аммаимиз бағри кенг, хушфеъл, оқ кўнгил, ширин суханликда, айниқса, меҳмоннавозлик ва меҳмон кутишда беқиёс эдилар. Авлод - ажодми, кўни-кўшними, бегонами, кимки эшик тақиллатиб келса бас, дарҳол лутф ила дастурхон ёзардилар, қозон қайнатардилар. Ҳеч ким Нафисахоннинг хонадонидан куруқ қайтмаган. Аммаимиз жуда пазанда, кут-баракали аёл эдилар. Бир зумда лаззатли таомлар тайёрлардилар, меҳмон учун рўзгордаги бор масаллиқни сарфлардилар. Меҳмондуст ва болажон бўлганлиги сабабли хонадонда болалар қайнарди. Авлод-ажод аммаимизни жон-келин, жонон келин деб аташар, болалар учун эса меҳрибон аяжон, опагон ва бувижон эдилар.

Аммаимизнинг ажойиб патирилари, сомсалари, норину-мантилари барчанинг таърифида, оғзида эди. Айниқса, касал, беморлардан биринчи бўлиб хатир олардилар. Қавм-қариндошдан, кўни-кўшнидан бирор та аёлни кўзи ёрса, биринчи бўлиб йўқлар ва суюн-

чи берардилар. Кўйингчи, бирор кишининг сизгири турса ҳам уни йўқлардилар. Қуда-анда-



АММАЖОНИМ ЎРНИНИ
ҲЕЧ КИМ
БОСОЛМАС...

Хотира — муқаддас

лар, келин-куёвларнинг иззат-обрўсини жойига қўяр, Нафисахон деганда уларнинг тилидан бол томарди. Келин-куёвларни фарзандларидан ортиқ қўрардилар. Ҳечқачон уларнинг дилини, кўнглини ранжитмаганлар. Улар Нафисахон хонадонида ҳаммаша бў-

яшнаб кетардилар. Аммаимиз ҳаётда ўта камтар, камсуқум эдилар. Кимсан Мир-

заабдулло Маҳсумнинг қизлари, Гафур Фуломнинг суюкли келинлари, министрнинг хотини бўлсаларда, барча билан тенг муомалалда бўлардилар. Улар учун шох ҳам, гадо ҳам теппа-тенг эди. Бирор жойга меҳмонга, тўйга ёки маросимларгами борсалар, сира тўрга чиқмасди-

кетишди. Қандай янгилик бор экан деб, унинг оғзига термулишди.

- Ижарага оғборхона олишимиз керак экан, - деди шофёр гапнинг дангалига қўчиб. - Муқаддасхоним шунақа дедилар.

- Дўкон-чи, дўкон? - бараварига савол ташлашди она-бола.

- Дўконлар фойда пулидан олинар экан. Юк келса, улгуржисига ҳам бўлаверади, деди. Юкни олиб келиш учун тўрт минг доллар беришсин, деди. Анави бир ярим миллион сўмини ҳам ана шунга қўшиб берасилар экан.

Она-бола бир-бирига қарашди. Албатта уларда тўрт минг доллар йўқ эди. Малика таниш-билишларидан қара кўтариб, айтилган пулни йўғди. Шафёр пулни олди-да, яна бир бор оғборхона топиб қўйишни тайинлаб, жўнаб кетди. Шу бўйи шофёрдан ҳам, Муқаддасдан ҳам, юқдан ҳам дарак бўлмади. Шу орада Малика икки марта Тошкентга бориб, Муқаддасни топа олмади. Учунчи марта боришда Муқаддасни топди. У билан энди Тошкентнинг гавжум кўчасида учрашиб қолишди. Муқаддас худди олдингидай ўтган-кетганга қоматини кўз-кўз қилиб, битта-битта одимлаб бораётганди.

- Хей, Муқаш, менга қара! - унинг қаршисига юрди Малика. - Қани ваъда қилган юкинг? Қани дўкон? Қани, берган пуллари? Қани?!

- Қанақа юк? Қанақа пул? - елка қисди Муқаддас. - Нималар депсан.

- Шофёрингдан бериб юбордим-ку, қирилгур! Омборни ижарага олиб қўйганимга ярим йил бўлди. Бойвачча эринг қани?

- Мени ҳеч қанақа шофёрим йўқ. Ким омборни ижара олсин деди? Тўғри, ўшанда битта қирақашни ёллаган эдим. Сен мендан бир ярим миллион сўм қарздорсан. Бойвачча эрга келсан, унақа эр кўчада тушиб қолгани йўқ. Яна саволинг борми?

Маликанинг вужуди қалтираб, ранги бўздай оқариб кетди.

- Оббо, қирилгур! Каралева бўласан деганинг...

- Ҳамма каралева бўлавермайди. Қарзингни ҳозирлаб қўй. Андижонга тушганда олиб келаман. Фирма очман деган ниятним бор, пул керак бўлади...

Малика Андижонга қайтган, касалланиб ётиб қолди. Қизи эса икки ўртада сарсон бўлиб сиқила бошлади. Ялтир-юлтир бўлиб қўриган нарсаларнинг барчаси ҳам тилло бўлавермас экан. Озга шукр қилмай, ялтир-юлтирга маҳлиё бўлганлар, бахти-но тахтидан айрилиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Ана шундан эҳтиёт бўлинг, яхшилар!

К. НИШОНОВ

Андижон шаҳри

лар, ҳаммаша пойгақда ўтирардилар. Қийим-кечак ҳам оддий эди. Башанг қийинмасдилар. Юршилари кўп бўлса-да, эрларнинг машинасига ўтирмас эдилар. Эрлари Воҳид Ўйүлдошевич ҳам хотинларига ўхшаш, ўта камсуқум, одамшаванда, дилкаш инсон эдилар. Эр-хотин мол-дунё, бисот-бағал йиғишга ҳирс қўймаганлар. Гарчанд, Воҳид поччамиз баобру ишда бўлсалар-да, уйларида бирорта замонавий мебел, гилам, биллур қандил бўлмаган. Уйда ҳалол меҳнат пулига олинган оддий жиҳозлар, анжомлар бўлган, холос.

Аммаимиз поччамиз вафотидан сўнг 8 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб воғга етказдилар. Энг кенжа ўғилларига Гафур ака ўз исмларини қўйганлар. Фарзандларнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлдилар. Бир муҳандис, бири врач, учинчиси илмий ходим бўлиб етишдилар. Ўғиллари Искандар ва Иброҳим Ўйүлдошевлар республикада атоқли чавандозлардан ҳисобланадилар.

Илоҳим аммаимизни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

ДИЛОРА АБДУЛЛАЕВА,
ДИЛОРОМ ФУЛОМОВА,
«Ибн Сино» нашриёти-
нинг муҳаррирлари

СЕН МЕНИ СЕВ, БОЙЛИГИМНИМАС...

- Биринчи турмушдан хотинимнинг хиёнатни туфайли ажрашганман, - дея сўз бошлади Сирожиддин исмли йигит. - Уйланиб, хали ҳаётнинг маъносини, оила нима эканлигини чуқурроқ англамай, фарзандли бўлмай, тақдир мени хиёнатга рўбарў қилди. "Ғам келса қўша келадим", дейишганидек, ишхонамда ҳам кўнгилсизликлар рўй берди. Ишдан бўшабга мажбур бўлдим. Хуллас, омад мендан юз ўғирди. Қишлоқда бош кўтаролмай қолдим. Ота-онамнинг мени деб эзиллиб юришларини кўрмаслик, ҳар хил гап-сўзлардан йироқроқ юриш учун Самарқанддан Тошкентга келдим.

- Кўнглимизда бирор хунарингиз бормиди?

- Э, опахон, отам вақтида бизга меҳнат қилишни, ишдан бўйин товламасликни, одамлар билан муомала қилишни ўргатган эканлар. Бор алаимини ишдан олдим. "Йигит кишининг моли ерда", деганлар рости экан. Бир йил ичида ўзимни ўнглаб олдим, ота-онамга ҳам ердан бериб турдим. Фақат бир камчилигим: юрагим бум-бўш эди.

- Уйдагиларингиз яна уйлантириб қўйишмадими?

- Бир неча бор акам, тоғам шу масалада келиб кетишди. Унамидим. Энди менинг мақсадим умуман бегона, аммо оқил, тушунган бир қизга уйланиш эди. Кўнглимиздагидек қиз учрашини кутиб юрдим.

- Шундай қиз топилдими?

- Ҳа, худди мен истганимдек кўнсурут, хушфелъ, ширинсўз бир аёлга кўнгли кўйдим. У аввалги турмушдан эри икковининг характери тўғри келмаганлиги учун ажрашган экан. Бир ўғли бор экан. Хуллас, у менга тегишга рози бўлди. Иккаламиз ҳам ўз ўтмишимизни рўй-рост гапириб бердик. Уйланишдан аввал мен у билан очикчасига гаплашиб олдим. "Мен бир марта ҳаётнинг шадфатсиз зарбасига учраганман. Энди бор умидим сендан. Агар оиланинг, рўзгорнинг пасту баландига чиқасанг, менинг йўл-йўриқларимни тўғри тушунасан, кўнглимни оғритмасанг, бошимга кўтараман. Бу билан сенга осмондаги ойни олиб бераман, демоқчи эмасман. Ўғрилиқ, муттахаллик, ёлгончилик қўлимдан келмайди. Ота-онам оддий кишилар. Сенга катта бойлик ваъда беролмайман. Топиб келсам ёғли гўшт, бўлмаса, қотган нонга ҳам қаноат қилишинг керак. Ношукрлик қилмайсан" деган сўзларимдан кейин ҳам у менга ўз хоҳиши билан турмушга чиқётганини айтди. Хуллас, Малоҳатни уйимизга олиб бордим...

- Уйдагиларингизнинг келин олиб бораётганингиздан хабарлари бормиди?

- Йўқ, уларга ҳеч нарсани билантирмадим. Қутилмаган совға бўлсин дедим. Уйга кириб боришимиз билан отам ва онам аввал хайрон бўлишди. Кейин ҳаммаси бизни маҳкам қучоқлаб олишди. Айниқса отам: "Қўзим келибди-да, менинг қўзим келибди. Қадамлариндан айланай, ўғилганимнинг бўйларига ярашган қизганимдан айланай", ҳаёт бағрига босганида Малоҳатнинг ўзи ҳам йиғлаб юборди. Сўнгра Малоҳатнинг қўлидан етаклаб бориб уч хонали уйни оstonасига олиб келди-да: "Мана, мана шу уй сенга. Илоҳим бахтинг бутун бўлсин. Кампир, бу уйдаги ҳамма гиламларини олиб чиқ, хали ҳеч кимнинг қадами тегмаган гиламлардан солгин қизимга", - деб уйдаги бор нарсаларни чиқариб янгитдан жихозлатди. Онам ҳам шоша-пиша исирик тутатар, ҳадеб: "Тўрт йилдан бери тортган азобларим тулагани рост бўлсин, илоҳим бахтли бўлинглар", деб қўздан дув-дўв ёш тўқар, ўзини қўйишга жой топа олмасди. Эртасига онам билан бирга бозорга бориб янги кўрпа-тўшақлар олиб келиб уйни тўлдирдиб юборишди. Уларнинг елиб-югуришларини кўриб Малоҳатнинг хайратдан, қувончдан қўзлари порлар эди. Кейинчалик у менга: "Камбағал яшаймиз, зориксанг нолимайсан, деганларингизда умуман менда бошқача тасаввур ҳосил бўлган эди, алдабсиз-а", деганида мен: "Менга бойликка учиб тегадиган хотин керак эмас эди, аслида бизнинг бойлигимиз меҳру

оқибат", дедим. Аммо у менинг гапларимга унчалик эътибор бермади... Шу кундан бошлаб нима хоҳласа доим муҳайё, уйдаядилар унинг атрофида парвона эди. Шундай бўлса ҳам Малоҳат "Тошкентга кетамиз, ўша ерда яшаймиз", деб туриб олди. Бунга ҳам кўндим. Тошкентга келиб ижарада яшай бошладик. Малоҳат боласи билан уйда, мен эса тadbиркорлик қилиб рўзгор тебратга бошладим. Бу орада аввалги ишимни ҳам тиклай бошладим. Малоҳат менга тегмасдан операция бўлган экан, яна шу касаллиги хуруж қилиб қолди. Бор имкониятим, маблагимни аямай уни даволадим.

- Даволашлар қор қилдими?

- Соғлиғику яхшилана борди. Аммо... бир кун ишдан келиб туфлимни ечаётсам оёқ остида бир тугма ётган экан. Олиб қарасам, милиция формасининг тутмаси.

- Айнан милиция тутмаси эканлигини қаердан билдингиз?

- Аввал ички ишларда ишлаганим учун жуда яхши фарқлайман. "Қаердан келди бу тугма?" деса, "Билмайман", деб елка қисди. Бирдан юрагимга ғўлуга тушди. Чунки тўғримиздаги уйда бир милиция йигит ижарада турар эди. Бир икки марта "Қўйлагимни дазмоллаб беринг", деб келган эди. Илтимосини бажаргани учун Малоҳатни койиған эдим. Кўнгил душман, дарров ёмон хаёлга бордим. Бир икки гап талашдик. Орамизга совуқчилик туша бошлади. Бир кун Малоҳатга кеч келишимни айтиб бир дўстимниқча кетдим. У ерда анча қолиб кетдим. Келишим билан хотиним сўроққа тутди, жанжал қила бошлади. Тан оламан, мен ҳам аччиқ-аччиқ гапирдим. Орамизда қаттиқ жанжал бўлди. Ўша кун мен Малоҳатнинг асл қиёфасини кўрдим. Эрак киши айтолмайдиган сўзлар билан мени ҳақоратлади. "Сенга шошиб тегиб олибман", деган сўзини эшитиб, кунора келиб кетувчи холасининг тунов кун ошхонада айтаётган гапини эсладим. "Қўшини қишлоғимиздаги Эргаш эсингизми? Шу хотини билан ажрашибди. "ЖИП" и бор. Шунга текканимизда бойвуча бўлиб яшаб юраддинг-да". Тишимни тишимга қўйиб эшитган бу гапларимни "ашитмадим" деб ҳисоблаб юривдим. Малоҳат билан жанжаллашганимизда, унинг дилимни ўртаб юборган гапларини эшитганимдан сўнг, қўзимга дунё қоронғу кўриниб кетди. Шундай бўлса ҳам уни кечириб, ҳаммасидан воз кечишга тайёр эдим. Сабаби, мен Малоҳатга, ўғлига жуда қаттиқ боғлиниб қолган эдим. Ҳаётнинг мураккаблигини қаранг. Ундан кечиб кетгим ҳам келмасди, у билан бирга яшаш ҳам оғир эди. Бу муаммони Малоҳат ҳал қилиб қўя қолди. У мен билан яшайдан бош тортиди.

- Ота-онангизнинг хурсандчилиги узокқа бормабди-да?

- Ҳа, Малоҳат уларнинг меҳрини, хурматини англаб етмади... Бир неча фурсат тушкунликка берилиб яшадим. Бироқ ўйлаб-ўйлаб ҳаёт хали тугамганини, ота-онам учун кераклигини ўйладим. Ишимни давом эттирдим, кўнгилсизликлар оқибатида соғлигимни йўқотганим, кейин даволадим. Энди ўзимга келаяпман. Баъзан ўйлаб-ўйлаб ҳаётда бойликни ўйламайдиган, энг оғир вазиятда қолганимда ҳам қўллаб-қувватлайдиган, яшашни, инсон қалбини тушунадиган аёллар ҳам бормикан, деб ўйлаб қоламан. Мен уйланидиган аёл менинг ярим, бир сўз билан мени тушунадиган, ота-онамни ҳам ҳурмат қиладиган бўлиши керак деб ўйлайман. Чунки ўзим ана шундай инсонларни хурмат қиламан, қадрлайман. Инсонга бундан ортиқ нима керак?

- Инсоннинг юзи, ташқи қиёфаси унинг ички аламини ҳам белгилаб беради, дейишди. Яхшигина кийиниб олган, етарлики иссиқ бу йигит ҳам бир қўришда одамда яхши таассурот уйғотади. «Ойишг ўн беш қоронғи, ўн беш ёруғ», дейдилар. Ажаб эмас, Сирожиддиннинг энг ёмон кунлари ортда қолиб, яхши кунлар истиқболга яқин қолган бўлса. Бу ўйда унга йўлдош, дўст, қадрдон бўладиганлар борми?..

Хулқар МУМИНОВА

-Алло синглим, бу "Оила ва жамият"нинг эълонлар бўлимими?

- Ҳа, худди шундай.

- Мен 45-сонда чиққан "оила-26" эълонидagi йигит билан танишиш ниятидаман.

- Жуда яхши. Унда бизга ўзингиз ҳақингизда маълумот ёзилган мактуб жўнатинг. Биз уни "Оила-26" га етказамиз.

ЎЗИМ...ЎЗИМ... ЎЗИМДА



ГУНОҲ

- Майли мен шу бугуноқ "Оила ва жамият" га мактуб ёзаман. Телефондаги қисқа сўзлашув тугаб эндигина компьютер хонасига йўл олган эдим, йўлакда бечаранам бўлиб турган қизга кўзим тушди. Унинг нимадандир ҳадиксираб боқаётган кўзлари менинг назаримдан четда қолмади. Ниҳоят у менга сизда икки оғиз гапим бор эди. Майлими...

- Опа, мени... мени сизда икки оғиз гапим бор эди. Майлими...

Чоршанбадан чоршанбагача — Таширларингиз...

- Келинг, синглим қулоғим сизда.

- Тиббиёт бўлими юртида ўқийман. Исмин Дилдора. Ўзим билмаган ҳолда бир гуноҳ иш қилиб қўйдим.

- Севган йигитингиз ташлаб кетдингиз? Ёки ота-онангиз зўрлаб турмушга беришмоқчи?

- Йўқ, Ота-онам жуда яхши инсонлар. Мен уларнинг меҳр-муҳаббатларини суистеъмол қилдим. Утган йили 1 апрел кунини 1 соат дарсда ўтирганимизда партадош дугонам Мохира: «Сумкамда 30 минг сўм пулим бор. Иккинчи соатдан кейин бозорга бориб, кофта билан шим оламан», - деб қолди. Бу гапни эшитиб менинг фикрим айнади. "Сумкани яшириб қўяман", - деган фикр тинчлик бермасди. Танаффусда Мохирани чалғитиб, сумкасини олдимда умумий бўлимда ўқийдиган дугонамга олиб кириб бердим. Ундан сумкани яшириб қўйишини, ичида 30 минг сўм пул борлигини айтганимизда хурсанд бўлиб кетди. Сўнг ҳозир келаман дедим-да синф хонасига йўл олдим.

- Мохира сумкасини йўқолганини сездингизми?

- Мен синф хонасига кирганимда барча қизлар хайрон-лол. Йўқолган сумкани овора эди. Мен ўзимни ҳеч нарса билмагандай тутиб, жойимга келиб ўтирдим. Дарс бошланишидан олдин ўқитувчини йўлакда кутиб олиб, қорним оғрияпти деб алдаб уйга кетишга рухсат олдим. Аслида уйга бормадим. Уч-тўртта дугоналаримга қўшилиб, мен кейинги пайлар анча издан қикиб кетганим. Хар кун соат 7-8 гача кўчада, дискотекамга дискотека юрар, алламахалда уйга худди дарсадан келаётгандек чарчаб кириб келардим.

- Наҳотки сиздаги бу ўзгаришларни ота-онангиз сезмаган бўлса. Ахир оналар қизларига нисбатан зийрак бўлишади-ку.

- Мен онамни дугоналарим билан кутубхонада дарс тайёрладим. Курс иши, ёки диктант ёздик деб ишонтирдим.

- Аслида нима билан машғул бўлар эдингиз?

- Дискотекага бориб йигитлар билан танишар, сўнг улар билан паркларда айланиб юрардик. Ёки бирорта квартирага бориб маишат қилиб ўтирар эдик. Бизга

сарфланадиган моддий харажатлар йигитларнинг бўйида бўлар эди. Ана шундай бемани юришларим туфайли ичинини, сўнгра чекишни ўргандим. Назаримда бу ишлар менга роҳат бағишлагандай эди. Ўша сумка ўғирланган, яъни 1 апрел кун ҳам ўзимга ўхшаган "бозори қизлар" билан битта квартирада учрашдик. Сумкани олиб келадиган қизни интиқлик билан кутдик. Бизни кўпроқ унинг ичидаги 30 минг қизқирарди. Ниҳоят у келди.

- Хўш... хўш пулни

- Хўш... хўш пулни

- Хамма бало шунда-да. Сумка ичида пардоз-андоз бўмларидан ташқари 1 та китоб, 2 та дафтар, яна бир қозғога ўроғлиқ семичка пўчоқлари бор эди, холос. Биз уни келтирган қизни ўғирликда айбладик. У сумкани очиб кўрмаганини, ҳеч қандай пулни олмаганини айтиб бизни ишонтирди.

- Агар сир бўлмаса ўша пулни нима қилмоқчи эдингиз?

- Одатдагидай маишатга, еб-ичишга сарфламодиган эдик. Орадан анча кунлар ўтиб, сумка воқеаси унутилган бир пайтда мени кўлга олишди.

- Қандай қилиб? Бирортаси гуллаб қўйгандир-да?

- Йўқ. Бир дугонанинг сумкасини боғи узилиб қолиб, ўғирланган сумкани кўтариб келган экан. Ҳовлида юрган Мохира сумкасини таниб қолиб, роса тўпалон кўтарди. Хуллас, сир очилиб, раҳбариятга етиб борди. Менинг ноим тилларда дoston бўлиб, пешонамга "ўғри" деган тамга босилди. Мактаб директори ота-онамни чақиртириб, кўпчилик олдида уялтирди. Мен негадир қилиб қўйган ишим оғир гуноҳ эканлигини унчалик ҳис қилмас эдим. Махлис давомиде менинг хулқ-атворим муҳокама қилинди. Сўнг онамни ўрнидан турғазиди. Онам, ҳа бечора онамнинг ахволини бир кўрсангиз эди. Гуноҳор фарзандининг қилиб қўйган ишдан пик-пик йиғлар, бошини ерга эгганича нимадир деб кечирим сўрашга интилар, аммо унинг вужудидagi титроқ гапиршига йўл бермасди.

Ўшанда мен биринчи марта қилиб қўйган ишим нақадар оғир гуноҳ эканини тушуниб етдим. Аммо энди кеч эди. Шундан кейин онам касал бўлиб ётиб қолди. Чунки бу гап маҳаллага ҳам етиб келган, турмушга қикш арафасида турган қизнинг тақдирини учун бу нақадар ёмонлигини онам ҳис этиб турарди. Мен гуруҳимиздаги қизлардан кечирим сўрадим. Улар мени кечирибди, биргина синфбоши бунни истемади. Мен унга роса яландим.

У янги келган ўқитувчиларга ҳам мени ўғри" деб таништирар, ўқитувчиларнинг менга нисбатан муносабатлари ўзгариб қоларди. Гарчи мен яхши томонга ўзгариб қолган бўлсамда, барча қизлар ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилишарди.

- Шундай қилиб 30 мингнинг тақдирини нима бўлди?

- Биласизми, бу гапдан қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсиз. Ўша кун Мохира 1 апрел қилиб мени алдаш учун 30 минг сўмини ўйлаб топган экан. Аслида унинг пули йўқ экан. Хуллас "Қош қўяман деб, кўз чиқариб" қўйдим. Барча айб ўзимда. Агарда ўша ахлоқи бузук дугоналаримга қўшилиб нобон йўлга кирмаганимда ҳозир онамнинг боши эрилганам бўларди. Мен энди нима қилай?

- Дилдора, энди ҳеч қимдан кечирим сўраманг. Яшииб-ёлбориб ўзингизни камситишларига йўл қўйманг. Кечирин, ёки кечирмаслик ҳар қилинч ўз виждонига болаик. Айбигизни тушуниб етганингиз ҳам, сизни ёшингиздаги қиз учун катта мактаб.

Қолаверса, дунёда ҳеч қачон кечириб бўлмас, инсон ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборадиган оғир гуноҳлар, гуноҳор инсонлар бор. Сиз ёшлиқ қилиб бир адабсиз. Ҳали ҳаётингиз оловиди. Ўзингизнинг яхши хулқингиз, қиройли ишларингиз билан атрофдагиларнинг меҳрини қозонишга интилинг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

АЙТГАНИНГ КЕЛСИН, ИЛОҲИ ОМИН!

«Ҳеч бир қиз менга ўхшамасин» — 49-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Мен бир йигит билан севишиб қолдим. Унинг кимлигини суриштирмабман. Бир куни зиёфатга бордик. У ерда ҳамма маст эди. Биз гуноҳ ишга йўл қўйдик. Аммо у менинг боқиралигимни тан олишни истамади.

Т.

Т. олийгоҳнинг сўнгги курсида таълим олаётган бўлсан ҳам, ақлинг ҳали калта эканда! Шундай бўлмаса «севги» аталмиш олий неъматни хор қилиб, қалтис қадам босармидинг? Қалтис қадамнинг шуки, насли-насабини билмаганинг, нияти тубан бўлган ўша йигит билан, «яна у маст ҳолда бўлса», сени судраганидан ҳам кўркмай, зиёфатга бирга борармидинг? Яна уялмай-нетмай: «Қаршилиқ кўрсатсам ҳам мени кўчада судрай бошлади... Зиёфатга бордик. Зиёфат қизигандан-қизиди. Ҳамма маст эди. Мастликда эса...» — дея дoston қилганинг ортигча-я! Сендан бўлак қиз бўлса, номусдан ёрилиб ўлармиди?

Ақл деган неъматни, Кимки ишга солмаса. Бир умр бахтсиз бўлар, Нафсин сақлаб қолмаса...
Аттанг, ўйламай босган қадамнинг туйайли қизлик ифратининг елга совурибсан. Бугина эмас, бир парча этлингидан емай-едириб вояга элказган ота-онанг ва қариндош-уруғларинг юзини шувит қилибсан. Билиб қўй, сеvgи «яхши кўрган» йигитинг билан кўчама-кўча санғиш ёки зиё-

фатма-зиёфат юриш, мастлик қилиш эмас. Одатда қизни севган йигит, агар ҳақиқий сеvgи эгаси бўлса, унинг шаънига доғ туширмасликка интилади, у билан биргаллашиб юришни ҳам ўзига ор деб билади. Қизга гап теғизмаслик эҳтиётини қилади. Аниқки, йигитинг сени севмаган, балки кўплар қатори маъза қилишни мўлжаллаган. Севган кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатида меъёр бўлади. Бундай ҳолни сеза билиш, ҳар бир қизни адашмасликка олиб келади. Афсус қиладиган томони шундаки, топган «севгилинг»нинг «мис»и чиқадиган бебурд йигитлигини кўра-била туриб ҳам «ит каби мен эргашиб ул карвонга бораман» қабилида иш

тутибсан-да, бахтингни бой берибсан.

«У билан анча гаплашиб юриб, кўнгли қўйиб бўлганимдан сўнг, суриштириб кўрсам, у йигит кўп ичадиган, чекадиган, кўринган қизни алдаб юрадиган одати бор экан. Бора-бора унинг бошқа қизлар билан гаплашиб юрганини ҳам эшитдим», — дея тан олишинг сени кўра-била туриб ўзингни лаҳча чўққа отишинг эмасми?

Шунча қилғилиқни қилиб қўйиб, эндиликда хотини ўлиб, бир боласи билан қолган йигитга кичик тўй билан узатишга рози бўлган онангга қаршилиқ қилиб: «Ахир, менинг ҳам не не орзуларим бор эди-ку! Бу дунёга келиб келинлик либоси-

ни киймасам, дўст-душманларим нима дейишади?» — дея афсус-надомат қилганингга ҳайронман. Ҳа, ақлни олдинроқ ишлатиб, ор-номусни ардоқлаб асраш керак эди. Энди на илож. Қизгина-я, ўзи номус ўтида ёнаётди: «Ҳеч бир қиз менга ўхшамасин!», — дея хитоб қилипти дил изҳориди.

Оналар номидан: «Айтганинг келсин, илоҳи омин!» дея яратганга илтижо қиламан. Лекин қиз шаънини булғаган бебурд йигит, сenga айтар гапим: «Бу килмишинг билан йигит деган номингни булғадинг — бу бир тешиқ қулоқлар сенинг килмишингни эшитади. Кейинги ҳаётинг сокин кечмайди, изтиробда ўтасан — бу икки, Оллоҳ қилмишингга яраша жазоласа ажаб эмас, жазодан қутилиб қоламан, деб ўйлама. «Бу дунё қайтар дунё». Бир боқира қиз бахтини елга совурганинг учун азиятларинг ўзингга қайтади. Ногоҳон бошингизга тушган ташвишдан қалби ёнаётган ота ва онаизор: Қалбингиз нидосини эшитиб, мен ҳам ранжияман, илож қанча? Яхшироқ

ўйлаб қарасангиз тарбия, деб аталмиш тилсимотнинг қаери-дадир катта хатога йўл қўйиб, кўпгилчанлик қилганингизни дилдан ҳис этаётган бўлсангиз керак. Афсус, минг афсус, энди кеч. Бундай ҳолга душманнингизнинг душмани ҳам тушмасин! Яхшиси, ҳаммалари: ота-оналар ҳам, қизлар ҳам ҳаётга уйғоқ боқишсин!

Ўтинчим, адашган қиз ва унинг ота-онаси менинг нордон гапларимдан хафа бўлишмасин. Чунки дўст ачитиб гап-парида. «Қизинг бўлса эрга бериб, қутил балосидан» лапарини эшитсам, ғижингим келарди бир вақтлар. Аслида ана шундай аро йўлда қолиб адашган қизларга теғизиб айтишаркан чамамда уни. Бу қиз шу талабгор хонадонга келин бўлиб, етим фарзандига ва эрига меҳр кўрсатса ажаб эмас. Шунда фарзандлари кўпайиб дарди унутилиб, овуни-башарди.

Азизлар, рамазон ҳайити билан кутлайман, Янги йилда ҳаммангизга соғлик ва бахт ёр бўлсин! Фарзандлар роҳатини кўриб яшашликни насиб этсин, Оллоҳим.

Афифа ХАСАН қизи

ВАҚТ ЯХШИ ТАБИБ

ЭСЛАТМА: Биз «Агар оилангизга дарз кетса» — 46-сон, 2001 йил

Нозима билан аввалига яхши яшардик. Комилжон исмли ширин ўғлимиз бор. Шу фарзандимизни ургани сабаб аёлим билан уришиб қолдик. Шу куни хотиним молани олиб онасиникига кетиб қолди. Энди эса судга берибди. Онаси: «Ё мени дейсан, ё эрингни» — дебди. Мен эса ўғлим учун ярашиб, тинч яшашни истаيمان.

ИСКАНДАР

Мен Искандарни дил изҳорини ўқир эканман, нахотки Нозимахон ўзи кўрган муҳаббат қасрини ўзи кулатиб, бир бечора йигитнинг икки дунёсини кулга айлантирган

бўлса деган ўй мени қийнай бошлади. Оила муқаддас, уни дарз кетишига нечук йўл қўйдингиз? Сиз билан бир ёстиққа бош қўйган, юлдузли тунарлар орзу камалагида ўз ширин хаёллари билан учган, сиздек нозик қизни бағрига босган эрингизни аросатда қолдириб, кўзига ёш тўлдириб юришингиз менга унчалик ёқмайроқ турибди.

Искандар, кўнглингизга ёқмаган экан, нечук у билан оила қуришга рози бўлдингиз. Икки нафар фарзандингиз Оллоҳ учун керак экан: ўзи бериб, ўзи олибди. Аммо, ўғлингиз Комилжонда нима гуноҳ? Оталиқ меҳри сизда бор, лекин турмуш ўртоғингизда йўқ эканми? Билсангиз, аёллар уввос солиб йигласалар, эркаклар ўз ёнга ўзлари қовурилиб адоийтамом бўладилар. Мен Искандарнинг қалб изтироблари битилган мактубларидан, бул йигит икки ўт орасида қолганга ўхшайди, деб ўйладим. Нозимахоннинг неча йиллар давомида оилани сақлаб ва ардоқлаб келган турмуш ўртоғини, бир оғиз сўзи билан қалбдан бир умрга ўчириб ташлаши мени ҳайрон қолдирибди. Тўғри, фарзанд учун она доимо қадрли бўлган. Сизнинг эмингиз онангиз қўлида экан. Акс ҳолда кўз очиб кўрган умр йўлдошингиз сизни ичиб келиб урмабди, йўқ жойдан жанжал қидирмабди. Сиз бўлсангиз онангизнинг: «Ё мени де, ё эрингни де», қабилидаги сўзларига кўр-кўрона эргашибсиз. Тавба, онажонингизнинг тутган йўлини қарангки, ўз қизини бахтини барбод қилиб, оиласини бузса. Ахир: «Қушининг ҳам уни бузилмасин», деган гапда қанча ҳикмат бор. Холбуки, ота-она учун фарзандининг униб-ўсиши, камол топишидан ортиқ бахт йўқ. Ўз бахтингизни ўзингиз бўйиб, фарзандингизни пешонасига етимлик тамғасини босиб, тўғри иш қилмабсиз. Ҳали ҳам кеч эмас, яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳали турмуш ўртоғингизнинг кўчасида баҳор ёмғирлари ёғиб, ёш ниҳоллар ўсиб чиққанда, қилган ишингиздан пушаймон бўлиб қолманг. Мен Искандарнинг келажакда ширин сўз ота бўлиб қолишини тилаб қоламан. Йигит кўз ёш тўкмасин. Бағри тилинмасин эркакнинг.

Эркак йигласа дарёлар йиглар, Кўкдаги юлдузлар бағрини тиглар. Чангбў ўтар кумлар, тупроқлар, Искандарга қўшилиб йиглар апроқлар.

Искандар, мендан икки ёш кичик экансиз. Мени маслаҳатим. Искандар укажон, бардам бўлинг, азиз бошингиз бундайин пасткашлар қошида эгилмасин. Кўнглингиз ярасини онангизни бир оғиз илиқ сўзлари тузата олади. Ҳали ёш экансиз, ҳаётингиз ҳали олдинда, умид учқунлари сизни тарк этмасин, юрак дардингизни ҳали вақт даволайди. Вақт яхши табиб. Вақт ўтиши билан ҳар қандай дард шифо топишига ишонаман.

РАЪНО

Тошкент

«Сиздан кечиб менга осон бўлмади» — 38-41 сонлар

ЭСЛАТМА: А. исмли шифокор йигитни севиб қолдим. У бошқа вилоятдан эди. Шу сабаб отам мени унга беришга қаршилиқ қилиб, бошқа йигитга унаштириб қўйдилар. Яқин орада тўй... Лекин А. ни унутолмай қийналяпман.

Р.

КАТЪИЙ АҲДИНГ, БИР КҮН БАХТИНГ

Р. исмли синглимизнинг дарду ҳасрат ила битган дил изҳорини турмуш ўртоғим билан ўқиб чиқдик. Кўп мушоҳада юришиб, мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Оила — беш кунлик ҳузур-ҳаловат эмас, балки икки ёшнинг муҳаббати мевасидир, бир умрлик аҳду паймони, вафо садоқати.

Шундай экан, ўтқинчи туйғулар қурбони бўлиб, умр бўйи бахтсиз бўлиб қолган ёшлар йўқми?.. Хоҳ йигит, хоҳ қиз бўлсин, аввало ҳис-туйғуларини жиловлай олиши керак. Халқимизнинг: «Кўнглига қарасан қоларсан уятга, ақлга кенгашсан етарсан муродга», — деган нақлини унутмаслик ҳақир.

Эртанги кунни ўйлаш, кўра билиш ҳам оқил кишиларга хос. Айтايлик, А. сизга ёқиб қолди. Сизга усиз ҳаёт йўқдек. «Сеҳрли сеvgи» бора-бора ақлингизни олиб, кўзингиздаги бахт деб ўйлаганингиз оташин «муҳаббат» қанча сир синаотлар келтирмайди, дейсиз. Шунингдек, ота-она, оғайни-қариндошлар, дўстлар олдида бошингиз ҳам бўлади.

Яхши тарбия кўрган ёшлар ҳаётда қоқилишмайди. Чунки бирор ишга қўл уришдан олдин ота-она, катталарнинг маслаҳатини олиш зарурлигини яхши билишади. Ҳа, ота-она — йўлчи юлдуз.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига асло ёмонликни раво кўришмайди. Шундай экан, нега биз уларга қулоқ солмаслигимиз керак?

Турмуш тажрибаси кўп бўлганлиги сабабли, сизни бахтсиз бўлиб қолмасин, деб шубҳаланиши турган гап. Ота-оналарнинг барча чигал масалаларда, турмуш масаласида, сеvgи-садоқатда, муҳаббатда ҳам анча «кўзи пишганлиги»ни ҳисобга олиш лозим.

Ота-онанинг розилиklarини олишга гайрат қилиб, уларга ширин сўз, очик юз билан муомала қилган фарзанд ҳеч вақт қоқилмайди, элу юрт олдида мактов ва олқишга сазовордир.

Синглим Р., Мақола босилганига ҳам анча бўлди. Бу орада Х. билан тўйингиз ҳам бўлиб ўтгандир. Илоҳи ҳамма ҳавас қиладиган оила кўринг. А. аканигиз билан тотли турмуш қуриш ҳақидаги орзуингизни, жуфти ҳалолингиз Х. аканигизга бағишланг. Шунинг унутманг-ки, «ўтган кунлар»ни орта қайтаришингиз ҳеч иложи йўқ.

Мактубингиз сўнггидаги А. аканигизга берган насиҳатларингиз ўринли. Бунинг марад аёлларга хос фазилат деб биламан. Ана шу насиҳатларингиз ўзингизга ҳам сабоқ бўлсин. Х. энди сизга ҳар доим паноҳ. Уни ардоқланг. Ҳеч ҳам ўқинманг. Ўтқинчи эҳтиросларни дея Х.ни бахтсиз қилишга ҳақингиз йўқ. Бу ишларга у ҳеч қандай айбдор эмас. Тўй ташвишларига сизнинг розилингиз билан киришилганлиги барчага аён. Ўқимишли аёл экансиз. Ўзингизни қўлга олиб, оилангиз шаъни учун курашинг. Ота-она, қолаверса газета саҳифасида эълон қилинган юртдошларимиз насиҳатларига, дил сўзларига амал қилинг.

Нодира ШОДИЕВА

Навоий вилояти

СИЗГА САБР-БАРДОШ ТИЛАЙМАН

«Кетгим келар, сендан кечиб кетгим келар» — 52-сон

ЭСЛАТМА: Ёшлигимда жуда шўх, ўжар қиз бўлганман. Севгим А. исмли бир дилдорга уйланди. Аммо биз учрашиб юравердик. Шундай кунларда мен ҳомилдор бўлиб қолдим. Бундан хабар топган ота-онанг севгимизга қарши. Чунки А.нинг ўз аёлидан фарзанди бор эди.

ЧОЛИКУШИ

Тугруқхонада ишлайман. Ишдан келиб устимни ечмай газетани кўлимга олдим, олдим Чоликуши ёзган дил изҳорини ўқиб ларзага тушдим. Ҳаёт шундай бешафат эканми, сеvgи-севилмишга А. нинг сеvgимли ёри бўлиб яшашга йўл қўймабди. Сингилжоним, юрак дардларингизни ўқиб иккалангми ҳам гуноҳдор келмаганман. Чунки, сиз нафсингиз учун эмас, сеvgингиз қурбони бўлдингиз. Сизга хат ёзаяпману, кўзларимдан ёшлар қўйилиб келаяпти. Чоликуши сингилм, А. ни сиз бир умр сеvgишингизга ишонаман, лекин уни ташлаб кетиб бошқага турмушга чиқиб кетолмайсиз. Севгини унутиб осон бўлмайди.

Чоликуши билан А. нинг сеvgисини Отабек ва Кумушбининг сеvgисига ўхшатдим. Сиз қийналдим, дебсиз. Лекин А. ҳам сиздай қийналган, юрак дардини ҳеч кимга айтмаган. Фақатгина қоронғи кечларда усиз йиғлаб сизни эслагандир. Чоликуши, ота-онангиз сизнинг бахтли бўлиб кетишингизни ўйлайди, юракдан эзилади. «Агар илож бўлса, унинг муҳаббати билан бир умр яшасам», — дегансиз. А. нинг сеvgимли рафиқаси бунинг тушунишини хоҳлардим. Ахир бир вақтлар икки кундош ҳам бир-бири билан оқа-сингилдай яшашган-ку.

Мен унга: «Сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайман, содиқ қоламан», — деб сўз берган эдим. Унинг кистови билан албатта. Чоликуши, сиз юрак амрингизга қулоқ солинг. Бу қийинчиликлар ҳам ўтиб кетади. Ҳаётингиз ҳам чиройли бўлиб, бахтли бўлиб кетасиз. Мен сизга сабр-бардош, А. га соғлик-саломатлик тилайман. Мен: «А. сизни бахтли қилади», деб ишонаман. Севиш айбмас, ўзингизни гуноҳдор деб билманг.

Ширин ЖУМАЕВА

Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани



Оиламиз эркаси САБИНА!

Сени 12 ба-хоринг, яъни мучал ёшин билан муборакбод этамиз! Сенга чин маънода-ги меҳр-муҳаббат, соғлиқ ва гўзаллик тилаймиз. Доимо кувнок ва ҳамма учун севимли бўлиб юргин!

Аянг, даданг, опаларинг Феруза ва Шахнозобулар

БИР МЕХРИБОН ЙЎЛДОШИМ БЎЛСА

“Оила ва жамият” газетаси орқали ўз бахтини топаётган юртдошларимга ҳавасим келади. Мени ҳаётда дўстларим жуда ҳам кўп. Лекин оғир кунларимда юпанч, меҳрибон дўст бўлиб турувчи турмуш ўртоғим бўлишини жуда-жуда истар эдим. Ёшим 25 да. Тиббиёт билим юрти тасомлаб, ҳозир туман Марказий шифохонасида ҳамшира бўлиб иш-лайман. 27 **Кайда ўзи ўша бахт?** ёшдан, 30 ёшгача бўлган келишган, ўқимишли, бирорта корхонада ишлайдиган йигит билан оила қурмоқ-чиман. Мен билан танишмоқчи бўлган кишилар тахририятга мурожаат қилишсин.

ФЕРУЗА

“ООО ЧИНОР - САРВАРХОН”

Маъсулияти қилинган жамият тугатилди. Даъволар бир ой муддатда қабул қилинади. Тел: 35-26-22

“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНИК КУРСЛАРИ:
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой.
2-ОЙЛИК
3-ОЙЛИК

- Бухгалтерия ҳисоби
- Аёллар костюм-пальтоси
- Косметология
- Массаж
- Эркаклар костюм-пальтоси
- Манжур ва педикор - 1 ой.
- Фарицаев-4 ой.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой.
- Акушерлик-6 ой.
- Ҳамширалик
- Аудио, видео қурилмаларини тузатиш устаси
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Машгулотлар салоҳида ўтказилади)
- Бичиш-тикиш (замонавий моделлаштириш)
- Парда, пақривал (замонавий Элита усулида)
- Торт ва салат (оддий ва олий курси)

ДИҚҚАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-кувв либослари ижарага берилади.

Хар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмасор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлақлар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

Ҳайит дастурхонига торт ва чак-чак пишираман. Тел: 162-67-86

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази тақлиф қилади.

- 3 ойлик курслар:**
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратларини таъмирлаш устаси, - Рус тили.
- 2 ойлик курслар:**
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, MS Office) INTERNET, E-MAIL.
 - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.
 - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйидаги курсларга тақлиф қилади:

- 2 ойлик:** - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш (“Элита” усулида).
- 3 ойлик:** - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзилимиз: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг «Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯТОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
— Модели-технолог (бичиш-тикиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Эркаклар кўйими — 2 ойлик; — Аёллар костюми, пальтоси, плащичи — 3 ойлик; — Даргадда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик.
Битирувчиларга диплом берилади.
Қабул хар кун (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.
Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг «Амир Темур» бекати, Магазин “Top moda”, Тел: 133-73-97, 76-71-95.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОРГИГАН ҚОВУГИ БЎШ 10 ЁШДАН ОШАН УҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ
Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.
Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. “Чорсу” шохбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг “Генерал Собир Раҳимов” бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.
Лицензия рақами 3271

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга тақлиф этади: (ўқишга ҳар кунда, ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишини моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Компьютер сабақлари - 2 ой (якка тартибда), (Windows 2000 Microsoft office-word, excel, paint). 3. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади; 4. Каштачилик — 3 ой, машабада тикиш — 3 ой; 5. Зардўзлик (бухороча) — 3 ой;
6. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой;
7. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.
8. Торт ва турли хил пишириллар - 2 ой. 6.Инглиз тили - 3 ой;
9. Парда ва пақриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587
Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-маъза, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кўч соат 17 дан 22 гача).

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ “ОИЛА ЗИНАТИ” МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларини ташкил этади:

- 2 ойлик:**
- Бичиш-тикиш (тезорор гуруҳ). - “Элита” усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. - Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм.
 - Массаж (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. - Оқшом либосларини безаш, бир ойга - 4000 сўм. - Машинада гул тикиш, (вишвика) бир ойга - 4000 сўм. - Косметология, бир ойга - 5000 сўм.
- 3 ойлик:**
- Зардўзлик, (Бухороча) бир ойга - 4000 сўм. - Қўрпа-қўрпақча тўн ва бешик асбобларини тикиш - 4000 сўм. - Инглиз тили, бир ойга - 4000 сўм.
- 4 ойлик:**
- Бичиш-тикиш (бошловчилар учун). - Сартарошлик. - Бичиш-тикиш (бурда моден бўйича).
- Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.
1. Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58. Мўлжал: метронинг “Халқлар Дўстлиги” бекати.
 2. Манзил: Миробод тумани «Олтин кўл» 2-тор кўча, Қора сув маҳалла идораси, мўлжал Рисивий бозор, «Узямасомолторг». Тел: 191-78-02.
 3. Манзил: Қора-Қамиш даҳаси 2/3, 31-уй, 56-хонадон. Тел: 29-28-58.

АРИҚДАН САКРАБ ЎТДИМ

Шу йил 9 март кечаси бир туш кўрдим. Тушимда раҳматли Ш. Рашидов (охирати обод бўлсин) менинг олдимга келиб, «Юр, мени уйимгача кузатиб кўйгин», деб эргаштириб кетди. Ёнида телефон аппарати ҳам бор. Мен у киши билан бемалол турган қилиб кетаёлман. Бир маҳал биз тепаликдан пастга қараб туша бошладик. Шунда раҳматли бобо менга: «Сен энди изингга қайтарав, бу ёнга мен ўзим кетаман» дедилар. Мен пастга қарасам, жуда кўп эски уйлар кўринди, биринчи қаторда эса янги икки қаватли уй чиройли қилиб қурилган эмиш, бироқ ҳали уйга ҳеч ким қирмаган. Мен ҳайрон бўлиб энди орқамга бурилган эдим. Бобо: «Сен тўхта, аввал мана бу ариқдан сакраб ўтиб, кейин кетгин», дедиларда, ёнидаги аппарат тугмасини босиб кимгадир, алло-алло сизлар ҳам мен каби бу ёққа ўтасизларми? - деб тугмачани яна босиб кўйдим. Менга, - ариқдан сакраб ўт», деди. Мен ёнимга қарасам, бир ариқ бўлиб, янган оқаётган сув жуда ҳам

тиник, зилол эмиш. Мен ариқдан сакраб ўтиб кетганимни кузатиб турдиларда, кейин ўзлари пастга тушиб кетдилар. Мен шу тариқа ўйғониб кетдим. Бу қандай сир бўлди, деб калима қайтардим. Ўрнидан туриб юз-қўлимни ювдим. Лекин бу тушни ҳеч кимга айтмай ишга кетдим. Оллоҳнинг кароматини қарангки, орадан 2 кун ўтиб 11 март куни 87 ёшли онажоним тўсатдан вафот этдилар. Мен шунда ўша кўрган уйим онамнинг уйлари эканлигини тушундим. Бироқ у 2 қаватли эди, деб яна кўриб кўйдим, онамни энди кўйиб келувдик ҳамки, яна хабар келди, 96 ёшли момомиз дунёдан ўтгани ҳақида. Билсам, бу икки қаватли янги уй онам ва момомнинг уйларига ишора экан. Оллоҳнинг кароматига яна бир иймон келтирдим. (Иккаласининг ҳам жойлари жаннатда бўлсин).

Демак, нимаики содир бўлса, Оллоҳ уни олдиндан албат маълум қилар экан.

Абсоат Тўраев

Қашқадарё вилояти, Камаши тумани

ТИЛИ ЗАҲАР ЭДИ, ЖАЗО ОЛДИ...

Кишлоғимизда шундай бир воқеа бўлиб ўтганда...
Кексаларнинг айтишича, ўша аёлнинг аччиғи тез, тили заҳар, бўлар-бўлмасга қараб, эрига ҳам азоб бераркан. Унинг оғзидан шунақа хунук сўзлар чиқарканки, баъзилар: “Чиндан ҳам бу аёл кишими ёки бирорта жодугарми?” дея ўйлаб қолишаркан. Ўёғини ўзингиз тушунаверинг. Хуллас, қазо муаллақ этиб, аёлни қабристонга олиб кетибдилар. Не кўз билан кўришиники, янги қабристон қабр ичида нақ билладек йўғон илон ётганмиш. Марҳумни лаҳадга қўйиш учун ҳалиги илонни кетказишмоқчи бўлишса, у ўрнидан жилмай ту-

раверибди. Сўнг бошқа қабр қазилибди. Қабр қазиб бўлиниши билан унинг ёнида яна ҳалиги илон пайдо бўлибди. У хатто одамлардан ҳам чўчимасдан тилларини чиқариб, сал нарида қараб турганмиш! Шунда кексалар “Начора...” деб елка қисийдию марҳумни шу қабрга қўйишибди.

Бу ҳақда кейинчалик қариялар “Заҳарли илон бежиз келмаган. Тили заҳар одамнинг жазоси шуда!”, дея анча вақтгача гапириб юришди. Бу ёруғ дунёда ҳар неки қилган амалларимиз учун муқофот ҳам, жазо ҳам тайин экан. Янши амалларни бажариб, у дунёга ёруғ юз билан борганга не етсин...

Чўлпоний МЕЛИҚУЗИЕВА

Саломатлик

УНИ АСРАШ КЕРАК

Инсоннинг ҳар бир аъзоси дам олиши мумкин. Уйқу вужудимизга ҳузур бағишлайди. Лекин юрак-чи?... Юрак инсоннинг бутун умри давомида бетиним ишлайди. У инсон танасидаги барча тўқималарни қон билан таъминлаб турадиган аъзо ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг юраги ўз муштининг катталигига тўғри келади. XVII асрда яшаган машҳур олим Х.Юшар шундай ёзган: “Ажойиб ва мукаммал механизмга эга бўлган юракка қойил қолиш керак. Унинг илк ҳаракати ҳаётдан дарак берса, энг сўнги зарбаси эса ўлимдан дарак беради. У ўзи жойлашган вужудга ҳормай-толмай ҳаёт бахш этиб туради. Юрак билан яшаган, озикланган ва ундан ҳимоя толган барча органлар ҳаракати тўхтагандан кейингина юрак ҳам гарк бўлаётган кеманинг капитанига ўхшаб ҳаракатдан тўхтабди. Зеро, кема капитани барча йўловчилардан сўнг ўзини денгиз қаърига ташлайди”.

Ҳа, инсон ҳаётида юрак ана шундай асосий ва катта вазифани бажаради. Шундай экан, ҳар бир одам ўз юрагини турли касалликлардан ахтиёт қўлиши керак. Юракнинг қандай ишлаётганлигини диққат билан кузатиб бориши ва ундаги ўзгаришларга катта аҳамият бериши зарур. Юрак-

нинг аҳволи тетиклик, хушқачқаклик ва ишчанликда, қувватсизлиги турли оргриклар билан намоён бўлади.

Тунги уйқу пайтида марказий асаб тизими ва юрак-қон томир тизими анча тиниқлик дам олади. Уйқува қонмай юриш, уйқусизлик ва уйқунинг турли хилдаги бузилишлари асаб тизимининг ҳолдан тойишига сабаб бўлиб, юрак-қон томирлар тизими функциясининг ёмонлашуви-га олиб келади.

Юрак мускулларини мустаҳкамлашда гимнастика ва спортнинг ҳар хил турлари билан шугулланиш жуда самарали восита ҳисобланади.

Жисмоний машқлар, барча ички органларга, айниқса юрак ишига жуда яхши таъсир қилади.Тўғри ва рационал овқатланишнинг киши саломатлигига таъсири катта. Демак, юракнинг озикланиши учун фойдали нарса — углеводга бой таомлардан, турли мевалардан истеъмол қилишдир.

Б. МҶМИНОВ,
“Алгоритм” тиббий-санитария кардиолога,
Ф. КОМИЛОВА,
Саломатлик институти
Тошкент вилояти филиали бўлим мудири

Якка тартибдаги тадбиркор Абдуғаниева Феруза Қаҳрамоновнага Заңгиота тумани ҳўқимияти томонидан берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мен асли водийликман. Чиройли ва обод кишлоқлардан бирида яшайман. Ёшим 33да. Ёшлигим жуда бахтли ўтган. Орзу-умидларим бир дунё эди.

Мақтабда аъло баҳоларга ўқиб, медалга битирдим. Уйлаган режаларимни аста-секин амалга оширишга ҳаракат қила бошладим. Менда шундай бир тамойил шакланганки, агар мен бир нарсага астойдил киришсам, ўша ишни охирига етмай қўймайман.

Мақтабни битириб, ўқишга бордим, тақдир тақозоси экан, университетга киролмадим. Хизматга кетдим, тинч океан флотидида хизмат қилиб, яхши хизмат йўлланмаси билан хизматни тугатиб, имтиҳонсиз 1989 йили иқтисодиёт олийгоҳига ўқишга кирдим. Илк орзу-умидларим амалга ошди.

Энди олдимга ундан-да катта орзуларни режалаштирдим. Ота-онамларнинг орзу-истаклари ҳам меники билан монанд эди. Улар ўз фарзандларини ҳақиқий комил инсон сифатида қўришни орзу қилишар эди. Менинг бунга етарли ҳаракатим бор эди. Ўқишларим бир маромда кетаётган эди. Лекин... Муқаддас деб саналмиш оилани қўришда... Нима дейишга ҳам ҳайронман. «Адашдим» деса м тўғри бўладими ёки уқувсизлик қилдим.

Ота-онам ёшлиқданок етим қолишган. Кўп қийинчиликлар билан шу кунларга эришганлар. Онам жуда мушфиқ аёл. Дадам ҳам юмшоқ, ҳалим инсон. Бизнинг вояга етишимизда, яъни етти фарзанднинг камолга етишида озмунча меҳнатлари сингди. Уларнинг берган таълим-тарбиялари, ўғитлари бизларга меҳр билан сингди. Ўз навбатида бизни ҳам меҳрли бўлишга ундашди. Оллоҳга минг бор шукри, бу дунёда бари бойлигимиз шу икки улуг зот, ота-жоним ҳамда онажонимиз.

Нима бўлди-ю, ўқиб юрган пайтимида, 4-курсда мени ўйлантириш ҳаракатига тушиб қолди. Бу ҳақда мен ҳеч ўйламаган эдим. Курсдошларим орасида ҳам ажойиб қизлар бор эди. Кўз остида олганларим ҳам йўқ эмасди. Лекин, ҳаётимни шакллантиришда менга ҳақиқий дўст, орзуимдаги қиз — ҳамроҳ, йўлдош керак эди. Мен эса шундай қизни топиш ниятида эдим. Топган тақдиримда ҳам, муносабатларимизни ўрганиш учун маълум вақт керак бўларди. Ана шундай пайтда менга маҳалламиздан бир қизни топишди. Кимлигини билдим, тўғри келмаслигини айтдим.

Ёшим катта бўлиб қолганлигини, тўнғич фарзанд эканлигини рўқач қилишиб, маҳалла катталари, ота-онамнинг кистиви билан уйланадиган бўлдим. Ҳали-ҳали ўзимни ҳеч кечиролмайман. Ушундан бирга яшолмаслигини билганман. Ота-онамга айтганман ҳам.

Нимага ўшада ён бердим? Нимага ўзим учун, орзуларим рўёби учун бу нарсага қарши боролмадим? Ёким ота-онамнинг мултираб турган қўзлари олдида ожиз қолдимми? Гапларини икки қилиб, дилларига озор етказишдан қўрдимми?..

Билмадим, ўзимга ўзим берадиган саволларим кўп. Нима бўлсаям, ҳаётимда биринчи зарбага учрадим. Уйланиб, у билан бир йилча яшадим. Шу бир йил

ичида у билан умримнинг мазмуни йўқолиб бораётганини, унинг дунёқарашини менинг дунёқарашим билан умуман мос келмаслигини қайта-қайта сездим, билдим.

Мана шу ерга келганда янада чуқурроқ мулоҳазалашиб, фикрлашмоқчиман, азизлар.

МЕНИ ТУШУНГАН ОДАМНИ



МЕН ҲАМ ТУШУНАМАН

Аввалида ёш бўлар экансиз. Гоҳи сиз орзулаган нарса сароб бўлиб чиқар экан. Менда ҳам шундай бўлди. Мен ўйлаган, мен кутган, эришган нарсалар аввалида ҳамма-ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Оилавий ҳаётимдаги дарз келажак режаларимга ўз таъсирини кўрсатди. Жуда кўп ишлар ортга сурилди кетди. Қайсидаир жиҳатларда дўсти ёрларимдан ортда қолди кетдим. Ҳаётнинг анчагина аччиқ-чучуқларини кўрдим. Шунда билдимки, ўзимга бир умрга йўлдош бўладиган инсонни топмабман. Ҳаёт оstonасига қўйган биринчи қадамим — хатоим бўлди. Шу хатоим туфайли бўлажак қийинчиликларга тайёр эдим. Негаки, барчасини тасаввур қила билгандим. Лекин, ўзимда шундай куч тополдимки, бу куч мени ана шу қийинчиликлардан сабр билан ўтишликка ундади. Ҳали ҳаммаси олдинда эканлигини кўрсатгандай бўлди. Бу — яна янгидан туғилган умид эди. Менга ана шу умид деган неъмат яна ҳамроҳ бўлди. Яна қайта туғилгандай бўлдим. Кўнглимга тугиб қўйган савобли ишларни ҳам қилишга киришдим, бир нарсадан доим қўрқаман. Яна адашишликдан. Лекин, орзуимдаги умр йўлдошни учратишимга ва у билан бахтли турмуш кечиришимизни албатта умид қиламан. Зеро, интилганга толе ёр.

Мени аксарият суҳбатдошларим сирли одамсиз, қўпам очилвермайсиз, дейишди. Эҳтимол, шундайдир...

Лекин мен самийий суҳбатни ёқтираман. Гийбатни ёмон кўраман. Мени тушунган одамни мен ҳам тушунаман. Яхши одамлар учун ҳеч нарсани аямайман. Керак бўлса жонимни ҳам. Ёш болаларни жуда яхши кўраман. Улар билан тенг бўлиб ҳатто ўйнайман. Ички кечинмаларимни, сир-асрорларимни иложи борича ўзимда сақлайман. Кўнглимга яқин айрим одамларга дилдошим, сирдошим бўлиши мумкин. Энди билгандирсиз "сирли" деганимнинг маъносини.

Ҳаёт шундай бир қутилмаган воқеа-ҳодисаларга бой эканки, ҳайрон қоласан киши. Ҳар қанча ҳаракат қилманг, уринманг, барибир рўй бериши керак бўлган ҳолат бўлиши тайин экан. аввалига хоҳламаган оилани кейинчалик бузгим келмади. Қийинчилик билан бўлса ҳам чиройли,

бироз кўрса ҳавас қиладиган оилани шакллантириб оларман, деган умидда яшай бошладим.

Мен оилада катта фарзандман. Покизаллики хуш кўраман. Самимиятни қадрлайман. Ҳар бир нарсага меҳр кўзи билан қарашликни хоҳлайман. Мутлола қилиш энг севган машғулоти. Кўп китоб ўқийман. Шеърятни жуда яхши кўраман, ёзганларим матбуотларда бериб турилади.

Энг асосийси, мен ўша бир кам дунё дейиладиган дунёнинг фақат гўзалликлари ни кўргим келади. Дунёвий илмларни эгаллаш билан бирга диний илмларни ҳам жоним билан ўрганаман. Чунки, инсон бўлиб шаклланишигизда бу жуда муҳим. Мана шундай жараёнлар кечаётган оилада агар фарзанд дунёга келса-чи, бу

катта бахт эмасми?

Менда ана шундай келажак ўйлари ҳўкмон эди. Лекин, бариси ўшада чиппака чиқди. У менинг орзу умидларим билан ҳисоблашмади. Бахтли ҳаётдан кўра мол-дунёни устун қўйди. Уткнчи хою-ҳавасларга берилди. Бошида севолмадим, кейинчалик ҳам севолмадим. Акрашиб кетди. Лекин, энг алам қиладигани, ўртада дилбандим - қизимга қийин бўлди. Меҳримдан нарида ўсапти. Ҳозир 8 ёшга тўлди. Эси кириб қолганидан буён озгини тўлдириб "дада" деб гапиради. Мен ҳам иложи борича бор меҳримни беришга ҳаракат қиламан. Бироқ, барибир юрагимнинг бир четиди оғриқ бор. Буни фақат ўзим биламан. Орзу-умидларимнинг армонга айланганини ҳис қилдим. 8 йилдан буён ҳақиқий армон мени қийнади. Қанийди, 8 йил ортга қайтсам, ҳаммасини бошқатдан бошласам. Бари армонларни четлаб ўтсам. Аммо тақдирнинг олдида ожизми. Бунга минг бора ишонч ҳосил қилдим. Тақдир ўйини дегани шунчалик бўлар. Иймоним қомилки, барибир сабрни ҳар недан устун қўяман. Умри беш кунлигини ҳам, мол-дунёнинг уткнчиликни ҳам, қўйингки, барча, умримиздаги ёзилмаган тамойилларни жуда яхши тушунаман. Аммо, абадий қоладиган бир нарса бор, бу ҳам бўлса инсоннинг яхши, эзгу амаллари. Шунинг учун ҳам кўнглимда бир оз таскинлик бор.

Бироқ, ўзимни фарзандим олдида гуноҳдордай сезаман. Орзу-умидларим олдида, изҳор қила олмаган ҳақиқий муҳаббатим олдида гуноҳқорман. Бунинг учун ҳар қандай синовларга тайёрман. Зеро, инсон билиб-билмай қилган хатолари учун ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини тотиб кўриши керак. Шунинг учун ҳам мана 8 йилдирики гоҳи армонда, гоҳи замонда, гоҳи маконда яшаб юрибман.

Ҳаётнинг биринчи зарбасини муносиб қарши олишга ҳаракат қилдим. Ўзимни йўқотиб қўймадим. Ишладим, яхши ўрин

топдим. Мустақиллигимиз шарофати билан тадбиркорлар ҳаракатига қўшилиб, тумандаги энг ёш тадбиркорлардан бирига айландим. Энг эзгу орзуларимдан бири, одамларга қўлдан келганча яхшилик қилиш эди. Мана шу орзуимга ҳам эришдим. Озим-қўлми элга фойдам тегаётганидан жуда хурсандман. Ер олиб, фермер ҳўжалиги ташкил этдим. Хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Кўпчиликнинг дуосини олиш насиб этди. Яна келажакда катта орзуларим бор, Худо хоҳласа амалга ошириш насиб этар. Замонавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, уни маданий тарзда ривожлантириш учун излаб, меҳнат қиляяман.

Эҳтимол, бу гапларни ёзмаган бўлардим, агар ўшбу ҳолат юз бермаганида: Яқинда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан кишлоқдаги барча қарияларни байрам дастурхонига таклиф этдик. Чиройли тадбирдан сўнг, дуойи-хатм қилиниб, маҳалла домласи ҳамда маҳалланинг катта отахонлари мени ўртага олишиб, ўйланишим зарурлигини, бундай юрмаслигим кераклигини, керак бўлса ўзлари муносиб қиз топишликларини айтиб ўтишди. Айниқса, маҳалла домласининг Пайғамбаримиз Мўхаммад саллолуху алайҳивассаломнинг бир хадисини мисол келтириб, гапирган гаплари жуда каттиқ таъсир қилди. Бош силтаб, индамай қўя қолдим. Хадисга кўра: "Уйланинлар, солиҳа аёлларга, фарзандларни дунёга келтиринлар, уларни солиҳ инсонлар бўлиб етиштиришга масъулдирсизлар", дейилди. Яна бир хадисда эса: "Мўмин бандда Аллоҳга бўлган иймонидан сўнг эришган энг яхши нарса, солиҳа аёл бўлиб, унга қараса, хурсанд қиладу ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради", дейилган экан. Шу кундан эйтиборан ҳаловатим йўқ. Эришганларимнинг ҳаммасининг мазмуни-моҳияти йўқ бўлиб қолаётгандай.

Шунинг учун ҳам дилмидагиларни сизларга тўқдим. Ахир мен нимага эришган ва эришаётган бўлсам, ҳаммаси ўша орзуимдаги қурилажак оилам бахт-саодати учун эмасми? Бўлажак фарзандларим касб-камолни учун эмасми? Яратганим бандасини ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаган. Неки қилсам, неки десам барчаси эзгулик учун. Эртами кечми, эзгулик албатта ўз бўй-бастини кўрсатади. Гарчи у кўз ёшларга фарқ бўлган бўлса ҳам. Зеро, эзгуликка осонликча эришилмайди. Орзу-умидларим жуда кўп. Буюк орзуим аввало мукамал, мустаҳкам ва мен учун муқаддас бўлган ахил оила қуриш. Шундай оиланинг пойдевори бўлмиш аёлни эса яратгандан насиб этишлигини сўрайман. Келажакда эса шу оиламдан Навоийдек, Темурдек, Ибн Синодек, Ал-Бухорийдек улуг инсонлар етишиб чиқишларини Тангридан етишиб қоламан. Токи фарзандларим элига, юртига, ватанига яхшиликлар олиб келсин.

**Эзгулик бу қўлдан яхшилик,
Эзгулик бу тилдан яхшилик,
Эзгулик бу дилдан яхшилик,
Чин эзгулик - чиндан яхшилик.**
ДИЛМУРОД

МЕҲР-ОҚИБАТ, ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛМАГАЧ...

Биз эрим билан севиб-севилиб турмуш қурганмиш. Шунга мана 8 йил бўлибди. Гулдек бир ўғил ва бир қизим бор. 8 йил ичида не кунларни кўрмадим. Мен келин бўлиб тушган уйга ҳеч қим кириб-чиқмас экан. Уйлари ифлос, кўрпа-кўрпачалари кир бўлиб ётарди. Узим тикуччи бўлганим учун янгисини тикиб, ювиб, тозалаб оппоқ қилиб қўйдим. Балки, "келинсан, қилишинг керак", дерсиз. Тўғри, қилганимни гапирмайман. Олдин қариндош-уруғларниқига қайнонам унча бормас эканлар. Уйга

қўни-қўшнилари ҳам кириб-чиқмас экан. Шу келин келиб қайнонаси одамлар қаторига қўшилди, деб маҳалладагилар гапиради. У ёқ-бу ёққа борадиган бўлсалар, чиройли қилиб қийинтириб кўярдим. Мана энди савдода ишлайман. Иккала фарзандим ҳам мактабга боради. Ҳўжайиним менга қарашади. У 3-гурух ногирони. Қайнонам бир умр ишламаганлар. Мен кечгача тик оёқда туриб ишлайман, қанчалар қийналсанг ҳам рўзгор деб чидаркансан. Касалванд бўлса ҳам эримни жудаям яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Қайниларим тўртта. Бу

хонадонда мен бош келинман. Лекин қайнилар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик йўқлигини дафна бўламан. Болаларимга янги-янги қийимлар олиб берсам, ҳали қийимдан туриб қайниларим йиртиб қўйишади. Болаларим касал бўлганда улар билан касалхонада ётсам, ҳеч қим кўргани келмайди. Ҳаттоки қайнонам эримни ҳам юбормайди. Онам узокда, опа-акаларим билса, бу ахволга тушириб қўйишмасди. 8 йил бўлибдики ҳали юзларига тик қараган эмасман. Мен ҳам ахир чарчайман. Дам олиб ишлагим келади. Лекин уйда ўтиролмай-

ман. Ўтирсам ўпоқ, юрсам сўпоқман. Қайниларим ҳаммаси ишлайди-ю, лекин уйда баррака йўқ. Яқинда бизлардан кейинги қайнимга қайнонам қариндошларининг қизини олиб берапти. Бизлардан чиқиб кетишимизни талаб қиляптилар. Қаёққа чиқиб кетаман икки болам билан, эрим касал-манд бўлса... Ўша газга, электр, уй ҳақиқа кетган пулларимни йиққанамда балки мана шу 2 йил ичида 1 хонали уй олган бўлармиким.

Қайниларим уйланса биз чиқиб кетишимиз керак. Лекин қаёққа борамиз? Ҳозирча борадиган

жойимиз ҳам йўқ бўлса...

Лекин, қайнона дегани, оқ фотихасини бериб, сиз-у бизлик билан чиқариб юборгани қандай яхши! Ахир ҳали бўлажак тўй-маъракаларда биз ҳам қараб турмаймиз-ку, қўлимиздан келганча ёрдамлашамиз.

Ҳар доим қайнона-келин орасида бир можаро чиқса албатта келинни айбдор қилишади. Биз келинлар ҳам қайнона уйига яхши ниятлар билан қадам кўямиз-ку. Қайнонамизни ҳурмат қилиб, ўзимиз ҳам ҳурмат қозонгимиз келади. Аммо, мен келин бўлиб тушган хонадонда бундай орзу-ҳавасларнинг қаноти қирқилган.

Навоий вилояти

М.

БАРФИЯНИНГ ҚАЛБ АРМОНИ

Жажигина қизалоқ Барфия ўқиб-ўқиб йиғлапти. Унинг кичкина жуссаси, елкалари силкиниб-силкиниб тушади. Қўчалари билан гоҳо кўз ёшларини артган бўлади. Қайда унинг онажониси? Нега бундай бўлди?! Ҳаммаданам чиройли, ширинсўз, меҳрибон онажониси нега ўлдирилди? Яна ким денг, ўз отаси пичоқлади. Нега? Барфияни етим қилиш учунми? Нега? Нега? Нега? Барфия бу каби саволларни ўзига-ўзи берар, лекин сираям жавоб тополмасди. Унинг ўрнига мунчоқдек кўзчаларидан дув-дув ёш тўкилаверади.

Онажониси ҳар куни ишдан қайтаётиб унга конфет ёки печене олиб келарди. У онасига пешвоз чиқар экан, она-бола ачомлашишарди. Онасининг бармоқлари унинг сочларини майин силарди. "Ўзимнинг тилла қизим, доно қизим!" - дея лўппи-лўппи юзчаларидан ўпиб оларди. Қизалоқ ҳам онасига шундай қиларди. Энди эса...

ТУНГИ ТўКНАШУВ

Ёзининг оромбахш оқшоми. Айниқса кўп қаватли уйлارнинг олдида одамлар гавжум. Биров кечки овқатдан сўнг сайр қилишга чиққан, кимдир кинога отланапти.

Муқаддам судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган Маҳмуд Бозоров собиқ хотини Елена Бозорова-нинг укаси Александр Овчинниковнинг уйи олдига келди. Александрни кўчага чақирди. - Александр, қани тушчи бу ёққа аблаҳ! Сенга телефонда кўп оқшом сўзлаш қанақалигини кўрсатиб қўяман. Ҳе, сени ўша...

Арзимас баҳоналарни рўқач қилиб жамоат жойида ҳақоратлади. Александрни дўппослади. Жанжални эшитиб, уларни ажратмоқчи бўлган Александрнинг укаси Алексейга ташланди. Маҳмуд қўлидаги пичоқ билан ҳамла қилди. Пичоқ Алексейнинг чўнтагидаги темир бўлагига тегиб қайрилди.

Изоҳ: Маҳмуд Бозоров - 1976 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Маълумоти ўрта, муқаддам судланган. "Бухоротекс" хиссадорлик жамиятида "слесар" бўлиб ишлаган. Бухоро шаҳар, Жомий кўчаси 44-уй, 19-хонада яшаган.

ЕЛЕНАНИНГ ҚОТИЛИ

2002 йилнинг 13 июли. Елена ҳар галгидек бугун ҳам ишга эрта отланди. Бирок, негадир унинг кўнгли гаш эди. Қизалоғи Барфияни қайта-қайта бағрига босаркан унинг кўзларига ёш айланди. Кўнгли бўшаб кетаётган она кўз ёшларини қизчасидан яшарди.

Изоҳ: Елена Бозорова - "Бухоротекс" хиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш майдонининг пардозлаш фабрикаси оператори.

Маҳмуд Бозоров шу куни эрталаб соат 7 ларда хиссадорлик жамиятига келиб, собиқ хотини Елена Бозорова билан ўзаро жанжаллашиб қолади. У Елена-дан 8 июл куни укаларини уриб,

муд Бозоровга турмушга чиққан, 1-2 йил яхши яшашди. Кейин Маҳмуд Елена билан тез-тез жанжаллашар, уни урар эди. Шу уришлар жонига теккан Елена қизчасини олиб опасиникига келди. Эри билан ажрашган бўлса-да, Маҳмуд деярли ҳар куни уларнинг тинчини бузарди.

Ҳар қандай жиноятчи жаозасиз қолмайди.

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ ҲУҚМ ҲУҚИДИ.

Судланувчи Маҳмуд Бозоров қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 20 йил озодликдан маҳрум этилди.

Маҳмуд Бозоров бугун қилмишидан пушаймон. Бирок, энди кеч. Гулдек аёли урини хазон этган, қизчаси Барфиянинг қалбини болалик шодликларидан, она меҳридан маҳрум қилган, икки она кўнглини вайрон этган қотилни ҳеч ким кечирмайди. Зеро, адолатли қонун - ҳамма учун баробар.

ОГОҲЛИК ҲАР ДАМ КЕРАК

Шу ўринда бир мулоҳаза юритайлик. Жиноятчи жаозасини олди. Бирок, шу мудҳиш воқеа содир этилгунгача улар билан меҳнат қилаётган "Бухоротекс" хиссадорлик жамиятидаги ҳамкасблари, раҳбарият уларнинг оилавий ҳаёти, муносабатларига нега бефарқ қарашди. Ахир ҳеч бўлмаганда етим қолаётган қизанинг тақдири уларни ўйлаштириши мумкин эди-ку! Инсон ҳаётига суиқасд қилинганга ҳамма гафлат уйқусидан уйғонмайди. Энди-чи? Энди кеч, пушаймондан не фойда? Бундан ташқари корхонага совуқ қуроллар киритилиши мумкин бўлмаганини ҳамда Маҳмуд ўзи билан пичоқ олиб кирганини пост қоровули нега сезмаган. Бу ҳам лоқайдликдан бошқа нарса эмас-ку!

ЭЗГУЛИККА ТАШНАЛИК

Яна тонг отди. Куёш борлик узра нур сочяпти. Барфия ҳар кунгидек қўшар чуғурлашдан уйғонди. Бугун уни онажониси сочларини майин силаб, лўппи юзчаларидан ўпиб уйғотмади. Қизалоқнинг жажжи юрагида ойғун дард, беғубор кўзларида мунг бор. Мунчоқдек кўзларида ёшлар шашқатор. Ахир у онажонисининг иссиқ бағрини жуда-жуда соғинган-да. Начора, тақдир унга шундай битик битибди.

Йиғлама, Барфия! Хали сенин ҳаётингга яхши кунлар бошланади. Оламда яхши инсонлар кўп.

Саид МИРЗАЕВ,
Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича суди судьяси,
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

ЙИҒЛАМА ҚИЗАЛОҚ!



Жиноятга жазо муқаррар

тан жароҳати етказганлиги боис Тўқимачилик тумани ички ишлар бўлимига ёзган аризасини қайтариб олишни, ўзи билан аввалгидек бирга турмуш кечирishiни талаб қилади. Бирок, Елена бунга рози бўлмайди. Еленанинг қатъийлигидан Маҳмуднинг газаби қайнайд.

- Мен билан яшамоқчи эмас-мисан? Кимни кўзлаяпсан? Ундай бўлса, жаҳаннамга жўнатаман сени! - дея Маҳмуд аёлнинг танига бир неча марта пичоқ урди. Елена қонга бўялди. Қилмишидан қўрқувга тушган қотил қочиб кетаётиб одамларга: "Қўлимни станок кесди", дея содир этган жиноятини яшироқчи бўлди. Сўнг участка ноизири олдига бораётганда уни милиция ходимлари тўхтатиб қўлга олишди. Қаламга олганимиз жиноят Маҳмуд Бозоровнинг қизиққонлиги, калтафаҳмлиги ва беҳуда рашки туфайли содир бўлган. У хотинининг ён дафтаридаги телефон рақамларидан хавфсизраганлиги маълум бўлди. Унинг қора қилмиши гувоҳлар кўрсатмаси ва рад этиб бўлмас далиллар билан исботланди.

Гувоҳ Жаъфар Саидов - "Бухоротекс" хиссадорлик жамияти қоровули: 12 июл куни ишни қабул қилиб олдим. Соат 6.40да Маҳмуд Бозоров рухсатномасини кўрсатиб, иш жойига кириб кетди. Бироздан сўнг Бозоров қайтиб чиқиб кетаётганини, қўли кесилганини кўрдим. Сабабини сўраганимда "Станокда кесилди", деди.

Гувоҳ Олга Саидова: - Овчинниковлар қўшниси: Елена Маҳ-

(Боши ўтган сонда.)

Эшик кўнгириги жириглагач, ичкаридан аёл кишининг: "Хозир!" деган овози келди. Комила эшикни келинлардай ясан-тусан қилган, нари борса 25-30 ёшга кирган бир гўзал очади-ю, унинг юзига чанг солиб юлиб, хуснини битта қўймайман, деб уришадиган хўроздай тараддулланиб турди. Афсуски, Комила кутган воқеа бўлмади. Эшикни ёши ўттиз беш-қирқларга борган, тўлишиб, анча бесўнақай бўла бошлаган, яшил-лаб пардоз қилсагина хуснини ўртча деса бўладиган, патак сочлари тўзиб елкасига тушган аёл очди. Комила аввалига бу аёл кундошим эмас, унинг хизматкори бўлса керак, деган хаёлга борди. - Феруза шу уйда яшайдими? - деди у. - Ҳа, шу ерда яшайди, мен Ферузаман, - деди аёл.

рет олиб тугатиб, озгина хаёл сурди-да, деди: - Сайфулла билан неча йил яшадингиз? - Ун икки йил яшадим. Ундан икки фарзанд кўрдим. - Ҳақиқий героиня экансиз-ку. У беш ойда менинг жонимга тегади. Агар у сизга керак бўлса, олиб кетаверинг, менга кераги йўқ... - У менга ҳақиқий бахтимни энди топдим, деган эди-ку. Наҳотки, ўрталарингга муҳаббат алангаси шу қадар тез сўнган бўлса? - У мен билан яшашни хоҳлайди. Лекин менда унга нисбатан хоҳиш қолмади ҳисоб. У одам эмас, ит-ку, ҳақиқий ит! Умуман ҳамма эркаклар... - Ҳамма эркаклар итглигини қаердан биласиз? Сиз шунчалик кўп эркаклар билан мулоқотда бўлганмисиз?

МЕҲРИБОН КУНДОШЛАР

Комиладаги ғазаб ўрнини бирдан мамнунчи ҳисси эгаллади. "Бу аёлнинг мендан нимаси ортиқ? Наҳотки, эрим келиб-келиб шу аёлга уйланган бўлса-я", - деган фикр хаёлидан ўтди. - Сайфулланинг янги уйланган хотини сиз бўласизми? - деди Комила яна иккиланиб, - Ҳа, менман. - Вой, мен сизни бу уйнинг хизматкори бўлсангиз керак, деб уйлабман. Ферузанинг бирдан ранги оқариб:



- Наҳотки, мен шу қадар қари бўлсам-а! - деди. - Сиз кимсиз? Менда нима ишингиз бор? - Мен кундошингизман, Сайфулланинг қонуний хотиниман. - Ия, жудаям яхши! - деди шунда бирдан Ферузанинг юзига табассум югуриб. - Ўзи мен ҳам сизни бир кўриб, - Кундошининг ўзидан қари ва хунқилгини кўриб мамнун бўлган Комила аёлнинг илиқ муомаласидан эриб кетиб, беихтиёр унинг ортидан эргашиб ичкарига кирганини сезмай қолди.

ҲИҚО

Уй уч хонали бўлиб, шинамгина жиҳозланган эди. Кундоши Комила меҳмонхонага олиб кирди. Столга оқ дастурхон ёзиб, бир шиша коньяк, тақсим-чаларда тузланган бодиринг, пишлоқ, колбаса, шоколад, нон келтириб қўйди. Кейин иккита қадаҳга тўлдириб, қоньяк қуйиб, биттасини Комилага узатди.

- Мен ичкилик ичмайман, - деди Комила. - Ичмаган бўлсангиз, энди ичасиз, - деди Феруза юзидан табассум билан. - Икки кундош танишганлигимиз учун ичасиз.

Шундан кейин Комила уй эгасининг ҳурмати учун қадаҳни уриштириб, бир ҳўплади. Феруза эса кетма-кет икки қадаҳни симириди. Кейин сервант тортмасидан сига-

- Бўлган-бўлмаган бўлсам ҳам биламан-да... Мана Сайфулланинг битта итлиги. Яқинда у билан менинг бир танишимниқига тўйга бордик. Базм энди қизибганда бир йиғит мени ўйинга тортиди.

Мен даврага чиқиб у билан ўйнадим. Кейин йиғит менга қадаҳ уриштириб ичишни таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Ўзиям ширингина йиғит экан...

Шунда Сайфулла бу йиғитнинг менга хушомадини кўрди-ю, қоровидан қор ёғди. Уйга кетамиз, деб туриб олди. Мени эса шу пайт тўйдан кетгим йўқ, ўйнагим, яйрагим келиб турибди. "Бироз сабр қилинг", дедим, қўлоқ солмади, дик этиб ўрнидан турди-да: "Мен кетдим", деб ташқарига йўл олди. Ноилоҳ мен ҳам унинг ортидан чиқишга мажбур бўлдим.

"Жигули"га ўтирганимда унинг қовоғи осилиб кетган эди. Машинага бирдан қаттиқ газ бериб, учириб кетди ва тўйхонадан юз-юз эллик метр узоклашган, юзимга бир тарсаки урди. Мен ўзимни босдим, йўлда жанжал қилгим келмади. "Шошмай тур, феодал, сен билан уйда ҳисоб-китоб қиламан", - дедим ичимда.

Уйга ҳам етиб келдик. Сайфулла эшикдан биринчи бўлиб кириб, туфлисини ечди. **(Давоми бор.)**
Алиназар ЭҒАМНАЗАРОВ

«Оила ва жамият» газетаси жамоаси бош ҳисобчи Суюн Муҳаммадиевга қайнониси Сарвар Адированинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила-133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базисда терилди ва сақланади.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - Яққа обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1039. Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 20488
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.
Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.